БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 63 (19.439). • 1986 йил 12 март, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ТИНЧЛИК ВА БУНЕДКОРЛИК ПРОГРАММАСИ

КПСС XXVII съезди бир овоздан тасдиқлаган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги таҳрирдаги Программасининг текисти китобча қилиб чиқарилди.

КПССнинг ҳозирги таҳрирдаги учинчи Программаси — социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш асосида совет жамиятини коммунизм сари янада олға силжитиш программасидир. Бу — тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш программасидир.

Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган китобча Москвадаги «Красний пролетарий» босмахонасида нашр этилди. (ТАСС).

КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗ— ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИНИ БАЖАРИШГА!

КОММУНИСТЛАРНИНГ ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

Совет кишилари ишчанлик, кўтаринкилик кайфиятидадирлар. Улар КПСС XXVII съезди таассуроти билан яшамоқдалар. Бу съезд Советлар мамлакатининг таржимаи ҳолига тарихий босқич бўлиб киради. Съезд ҳозирги даврни кенг, ленинчасига идрок этди. У КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш борасида олға сурган йўлига ижобий баҳо берди. Коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг реалистик, ҳар томонлама ўйлаб кўрилган ҳаракат программаси ишлаб чиқилди. Съезд қарорлари олға томон ҳаракатимизнинг характерини ҳам, суръатларини ҳам белгилаб беради.

Совет халқи коммунистик қурилишдаги ютуқларни, тинчлик учун курашдаги муваффақиятларни жонажон партия билан чамбарчас боғламоқда. Ана шу ютуқлар ва муваффақиятлар тўғрисида КПСС XXVII съезди минбаридан гапирилди. КПСС съездидан кейинги даврга миллионларнинг коллектив донишмандлиги билан бойиган, яна ҳам ўюшган, жипслашган ҳолда жанговар қобилиятли бўлиб қадам қўймоқда. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасининг, партия Уставининг қоидаларини рўёбга чиқариш унинг раҳбарлик ролини янада оширишга, ҳамма соҳалардаги таъсирини кучайтиришга кўмаклашади.

Съезд қабул қилган қарорларнинг моҳияти ва руҳини ҳар бир совет кишисига етказиш, шу қарорларни бажаришга доир ишларни амалда ташкил этиш — партия ташкилотларининг, коммунистларнинг бош вазифасидир. Эндиликда энг муҳими режалар энергиясини конкрет ҳаракатлар энергиясига айлантиришдан иборатдир.

Ўртага қўйилган вазифаларнинг янгилиги, миқёси ва мураккаблиги коммунистлардан, республика партия ташкилотларидан тортиб бошланғич ташкилотларгача — барча партия ташкилотларидан қатъий куч-ғайрат, собиткадамлик, ишчанлик ва фидокорликни талаб этади. Партия ишининг тубдан қайта қурилишини таъминлаш, ҳамма жойда ижодкорлик, принципиаллик ва талабчанлик муҳитини қарор топтириш — биринчи даражали муҳим ишдир. Биз янгича ишлашни ўрганиб олмасак, ҳар қандай кўринишдаги қолоқлик ва эскиликни бартараф эта билмасак, вазиятга сергаклик билан баҳо беришда дадиллик кўрсатмасак, олға томон бир қадам ҳам силжий олмаймиз.

«Юқоридан қўйилгача партия комитетлари— съезд йўл-йўриқларини бажаришга оид ишларнинг ташкилотчиларидир, — деди М. С. Горбачев съездни ёпиш вақтида сўзлаган нутқида. — Конкретлилик, ишчанлик, изчиллик, сўз билан ишнинг бирлиги, энг самарали усул ва воситаларни танлаш, одамларнинг фикрларини синчиклаб эътиборга олиш, барча ижтимоий кучларнинг ҳаракатларини моҳирлик билан мувофиқлаштириб бориш — ҳозир керак бўлган услубдир».

Барча партия комитетлари давлат ва хўжалик органларининг вазифалари аралашиб кетишига, уларнинг ўрнини олиш ва майда-чуйда ишларга аралашаверишга йўл қўймай, чинакам сиёсий раҳбарлик органлари сифатида иш кўришлари кераклиги съездда чиқарилган асосий хулосалардан биридир. Сусткашликка, жонли ишни бўлар-бўлмас қуруқ ва чексиз сафсатабозликлар билан қўмиб ташлаш одатига батамом барҳам бериш вазифаси қўйилди. Расмиятчилик ва бюрократизмга, андазачилик, лоқайдликка, «қайта қуришга мослашиш» йўлидаги уринишларга асоссиз ишонтиришлар ва ваъдаларга қатъиян чек қўйиш керак. Айтилган гап ва бажарилган иш ўртасидаги ҳар қандай узилиш партия сиёсати обрўсига зиён етказади, унга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар бир коммунист ўзига топширилган участкада ишнинг кўзини билиб, тўла фидокорлик билан ҳаракат қилиши муҳимдир.

Партия ташкилотларининг соғлом, нормал турмушини ички партия демократиясига, коллектив раҳбарлик принципига қатъий риоя этишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса коллективга органлар — партия комитетлари пленумларининг, бюролари, партия йиғилишларининг ролини ошириш зарурлигини тақозо этади. Съезд ижрони контрол қилиш ва текширишни кучайтиришга, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга, дабдабабозлик, мақтанчоқликка қарши курашни кучайтиришга даъват этди. Танқидни бўғиш, унинг учун таъқиб қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян чек қўйиш лозим. Талабчанлик билан айтилган сўз эшитилмаётган жойларда партия иши бузилади, лоқайдлик ва жазоланмаслик вазияти вужудга келади. Бу эса ишларда турғунликка ва ходимларнинг айнишига олиб боради. Партияда контролдан ташқаридаги, танқид учун ёпиқ ташкилотлар бўлиши мумкин эмас.

Ҳар қандай ишни инсон бажаради. Бизда яхши, истеъдодли раҳбарлар оз эмас. Кейинги вақтларда кўпгина масъулиятли соҳалар сергайрат, етук, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамланди. Кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялашни бундан буён ҳам яхшилаш партия комитетларининг бурчидир. Ҳали учраб турган ва бизга ёт бўлган ошна-оғайнигарчилик, ходимларни шахсий садоқати ва ҳамюртлигига қараб кўтариш практикасига тоқат қилиш мумкин эмас. Лавозимларга кўтариш ва бошқа ишга ўтказишнинг ҳаммаси учун мезон битта. У ҳам бўлса ходимнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатлари, реал ютуқлари, сиёсий йўлни актив амалга ошира олиш қобилиятидир. Ғоявий матонат, мустаҳкам ахлоқий эътиқодлар, юксак сиёсий маданият, принципиаллик ва билимдонлик, коллектив ишни ташкил эта билиш маҳорати, омма билан бирга бўлиш, кишиларнинг манфаатлари ва талаблари билан яшашга доимий эҳтиёж раҳбарга узвий равишда хос бўлиши керак.

Ҳамма жойда амалий, ижодий услубни қарор топтиришда бошланғич партия ташкилотлари масъулиятли роль ўйнайди. Улар омма ўртасида, сиёсий қарорлар амалда рўёбга чиқариладиган жойларда иш кўрадилар. Партия ташкилоти принципиал муносабатларга асосланган тўлақонли ҳаёт кечираётган, коммунистлар конкрет ишлар билан банд бўлишган тақдирда муваффақият таъминланади. Партия комитетлари ана шу бўғинларнинг жанговарлигини бутун чоралар билан ошириб боришлари, ҳар бир ташкилотда режалар ва қарорларнинг аниқ-равшанлиги, ошкоралигини, бир-бирига нисбатан эзаро талабчанликни билдирувчи ижодий муҳит таъминланишига эришишлари керак.

Съездда КПСС аъзоси номини ва аҳамиятини ошириш зарурлиги тўғрисида, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун курашнинг муҳимлиги ҳақида ленинча фикр яна зўр куч билан янгради. Ўтган йиллар мобайнида партия сафлари коммунизм ишига фидокорона хизмат қилишга тайёр бўлган янги кучлар билан тўлдирилганлиги қайд этиб ўтилди. КПССга янги аъзоларни танлаб олиш чоғида талабчанликни сусайтириш фактларига айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Бизнинг вазифамиз партия сафларининг софлиги тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилишдан, партияга тасодифий кишилар кириб қолишига сира йўл қўймасликдан, партия аъзоларининг шахсий намунасини таъминлашдан иборатдир. Маълумки, коммунистларнинг авангардлик роли ўз-ўзидан бўлмайди. Бу роль конкрет ҳаракатларда, амалий ишларда, ижтимоий бурчни бекаму кўст бажаришда намоён бўлади. Съезд коммунистларни ўз ўртоқлари олдидаги мунтазам ҳисоботлари ўтказиб туриладиган, йиғилишларда партиявий характеристикалар муҳокама этилиб тасдиқланадиган партия ташкилотларининг тажрибасидан кенгроқ фойдаланишни тавсия этди. Буларнинг ҳаммаси истисносиз барча партия аъзоларининг масъулиятини кучайтиришга кўмаклашади.

Партия амал қилаётган сиёсий йўл идеология иши самарадорлигини анча ошириш учун қулай имкониятлар яратади. Аммо бунда жиддий камчиликлар: кампаниячилик, пропаганданинг ҳаётдан ажралиб қолиши ва етилган проблемаларнинг ўткирлигига етарли баҳо бермаслик, қуруқ сафсата ва лоқайдлик ҳоллари ҳамон сақланиб қолмоқда. Тарбия ишини ички ва халқаро ҳаёт реалликларига мувофиқ ҳолга келтириш, бу ишнинг ташкилотчилик ва хўжалиқ фаолияти билан қўшиб олиб борилишини таъминлаш талаб қилинади.

Идеология ишида съезд меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик ва совет Ватанига садоқат, пролетар, социалистик интернационализм руҳида, меҳнатга ва жамоат мулкига онгли муносабатда бўлиш, социализмга ёт бўлган ҳамма нарсаларга муросасизлик руҳида тарбиялашни асосий йўналишлар, деб ҳисоблайди. Коммунизм қурувчиларининг ғоявийлиги ҳалоллик, виждонлилик ва софдиллик билан чамбарчас боғланган. Коммунистлар буржуа идеологияси ва ахлоқига, империализмнинг антисовет ғиғвогарликлари ва мафкуравий қўпорувчиликларига, диндан социализмга зид мақсадларда фойдаланиш йўлидаги уринишларга қарши курашиш ҳужумкорлик руҳида олиб боришлари шарт. Тарбия ишига комплекс ёндашишни таъминлаш, конкрет инсонни бутун ишнинг марказига қўйиш, ишлаб чиқаришда, ўқишда ва истиқомат жойларидаги тарбиянинг бирлигига эришиш зарур. Идеология ишида барча раҳбарларнинг қатнашувини таъминлаётган жойларда тўғри иш қилиқмоқдалар.

Съезд белгилаган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Бу воситалар ошкоралик, жамоат контролининг қудратли воситасидир. Матбуот, радио, телевидение ўз мақолалари, эшиттиришлари, кўрсатувларининг савияси ва таъсирчанлигини ошириш, ўткир мавзуларни четлаб ўтмаслиги, ҳал этилиши ишнинг яхшиланишига ёрдам бераднган энг долзарб проблемаларни муҳокамага қўйиши керак. Бу иш қанчалик чуқур ўйланиб оперативлик билан бажарилса, у шунчалик самарали бўлади.

КПСС XXVII съезди тасдиқлаган планлар оддий бўлмай, балки жуда дадил планлардир. Совет кишилари белгиланган барча режаларни бажаришга азму қарор беришган. Шу кунларда редакцияга келаётган кўплаб хат ва телеграммалар шундан далолат беради. Коммунистлар авж олиб кетган мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар. Улар бунёдкорлик ишларида пешқадамлик қилиб фидокорлик, халқ олдидаги бурчни оғишмай бажариш намунасини кўрсатмоқдалар. Съезд қарорлари муваффақиятли равишда рўёбга чиқарилишининг гарови мана шундадир!

(«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ 11 МАРТДАГИ БОШ МАҚОЛАСИ).

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози теплица хўжалигининг Ҳ. Ҳакимов бошлиқ звеноси аъзолари бу йил 2 гектар майдонда лимон етиштирмоқдалар. Звено аъзолари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида 21 тонна лимон топширишга сўз берганлар.

— Кўрининб турибдики, кўзлаган мўлжалингиз олдинги йиллар маррасидан анча юксак. Сизлар, бунга илғор агротехника тажрибалари асосида эришиб келяпсиз, шундайми? — сўраймиз звено аъзоси, ёш коммунист Ҳамида Боқиевадан.

— Албатта! — жавоб қилади у. — Партия ва ҳукуматимиз қайта-қайта таъкидлаётганидек, илғор тажрибаларда иқтисодий ўсишимизнинг катта-катта резервлари бор, ахир...

Суратда: звено аъзолари (чапда агитатор Ҳ. Боқиева) КПСС XXVII съезди материаллари хусусида суҳбатлашмоқдалар.

Е. Ботиров фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

РЕСПУБЛИКА ОДИМИ

Ўзбекистон ССР саноатининг 1986 йил январь-февраль ойлари планини бажарганлиги тўғрисида

Республика саноати маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1986 йил январь-февраль ойлари планини 104 процент бажарди, саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1985 йил январь-февраль ойларида эришилганига нисбатан 8,9 процент ошди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,9 процент бўлди, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши 79 процентни ташкил этди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳар саноатида маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари юзасидан 1986 йил январь-февраль ойлари планининг бажарилишини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

Биринчи устун—Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри, иккинчи устун—маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиш проценти, учинчи устун— ишлаб чиқариш ҳажми бўйича планнинг бажарилиш проценти, тўртинчи устун — меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиш проценти, бешинчи устун — ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан 1986 йил январь—февраль ойларида 1985 йил январь — февраль ойларига нисбатан процент ҳисобида.

Ўзбекистон ССР	104	105	104	108,9
шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	102	107	104	103,9
Андижон области	104	105	103	106,5
Бухоро области	102	105	105	114,1
Жиззах области	107	112	112	124,9
Қашқадарё области	106	108	107	114,8
Навоий области	103	103	100,1	106,6
Наманган области	103	103	100,9	106,1
Самарқанд области	105	104	103	104,7
Сурхондарё области	110	111	111	118,5
Сирдарё области	107	107	106	109,3
Тошкент области	102	103	102	106,7
Фарғона области	105	105	104	109,7
Хоразм области	109	115	113	120,1
Тошкент шаҳри	102	102	102	107,2

Нефть ва газ қазиб олиш, тракторлар, трактор прицеплари, пахта териш машиналари, минерал ўғит, цемент, пайпоқ, пойабзал, ўсимлик ёғи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, консервалар ва бошқа бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан 1986 йил январь-февраль ойлари плани ошириб бажарилди.

42 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь-февраль ойлари планини бажара олмади. Бу бирлашма ва корхоналар планда белгиланганидан 10,6 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқардилар. Жиззах аккумулятор заводи, Бухоро тўқимачилик комбинати ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қорақалпоғистон ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекгидролизпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси шундай корхоналар жумласидандир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БУТУНИТТИФОҚ «ВНЕШТОРГИЗДАТ» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ НАШРИЁТ-ПОЛИГРАФИЯ БИРЛАШМАСИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг фан-техника ва маданият соҳасидаги ютуқларини чет мамлакатларда пропаганда қилувчи нашрларни чиқариш соҳасида самарали ишлаганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан

Васина Галина Трофимовна — босмахона катта мастери.

Гальцева Валентина Александровна — бўлим комплектловчиси.

Гусева Маргарита Петровна — бош редакциянинг катта илмий редактори.

Халқлар дўстлиги ордени билан

Маланичева Лариса Африкановна — Урал бўлимининг катта илмий редактори, Свердловск области.

Сгибнева Маргарита Ивановна — бош редакциянинг катта редактори.

«Ҳурмат Белгиси» ордени билан

Владимирова Юлия Георгиевна — импорт конторасининг катта редактори.

Дульнева Надежда Елисеевна — бош редакциянинг катта инженери.

Казакова Елизавета Васильевна — бош редакциянинг бош редактори.

Кухаренко Зоря Константинович — Украина бўлимининг директори, Киев шаҳри.

III даража Меҳнат шуҳрати ордени билан

Иванова Татьяна Михайловна — босмахона нусха кўчирувчиси.

«Шавкатли меҳнати учун» медали билан

Андриенко Людмила Ильинична — бош редакциянинг катта редактори.

Ганюшкин Валерий Григорьевич — бош редакция рассоми.

Дубенюк Анна Владимировна — Украина бўлимининг бўлим мастери, Киев шаҳри.

Исаева Галина Васильевна— бош редакциянинг катта редактори.

«Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан

Асеева Елена Наумовна— Сибирь бўлимининг катта редактори, Новосибирск шаҳри.

Гулая Нина Сергеевна — бўлимнинг катта экономисти.

Султонуротов Шариф Султонович — Ўрта Осиё бўлими катта техник редактори, Тошкент шаҳри.

Тригубова Ольга Юрьевна— бош редакциянинг кичик редактори.

Усова Ираида Ивановна — бош редакциянинг катта редактори.

Шейкина Светлана Александровна — бўлим бошлиғи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 11 март.

ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. Н. Демичев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси Ҳиндистон Коммунистик партияси XIII съездида қатнашиш учун Деҳлига кетаётиб Тошкентда тўхтади. Делегация составида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими секторининг мудири П. В. Куцобин бор.

Делегация аъзолари Тошкентда бўлган вақтларида янги телевизион минора комплексини бориб кўрдилар, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз лимонзорида бўлдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Тошкент аэропортида КПСС делегациясини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Ғ. Ҳ. Қодиров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар ва кузатиб қўйдилар. (ЎзТАГ).

ИҲОТА ДАРАХТЗОРЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛАЙЛИК

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИҲОТА ДАРАХТЗОРЛАРИНИНГ АҲВОЛИ ВА УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ ТЎҒРИСИДА» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАШИДА

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида «Чўл ва ярим чўл районларда иҳота ўрмонзорлари ва яйловларда ўрмон барпо этиш ишлари ҳажми оширилсин» дейилган. Шу масалаларни муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим хўжалик аҳамиятидан ташқари социал, экологик аҳамияти ҳам бор. 11 март куни Тошкентда бўлиб ўтган республика илмий-ишлаб чиқариш кенгашининг қатнашчилари Ўзбекистонда давлат аҳамиятига молик ана шу ишнинг истиқболлари ва проблемаларини манфаатдорлик билан муҳокама қилдилар.

Ҳатто кенгаш ташкилотчиларини оддий санаб чиқишнинг ўзиёқ иҳота ўрмонзорлари проблемасини ҳал этишда куч-ғайратларни мувофиқлаштириб боришга нақадар катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатади. Кенгаш ташкилотчилари орасида республика Фанлар академияси ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими, ЮНЕСКО «Инсон ва биосфера» программасининг Ўзбекистон миллий комитети ва табиатни муҳофаза қилиш жамияти, Ўзбекистон ССР Госагропроми, Ўрмон хўжалиги министрлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, бошқа муассасалар бор.

Бу ердаги проблемалар эса оз эмас. Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларида 40 минг гектарга яқин иҳота дарахтзорлари барпо этилган. Бу дарахтзорлар ҳайдаладиган ерларни шамолдан ва қум босишдан иҳота этмоқда, биологик дренаж ролини бажармоқда, тупроқнинг сув режимини яхшиламоқда, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бойитмоқда. Уларнинг ҳомяосидаги пахта ҳосилдорлиги гектар бошига ўрта ҳисобда 5 центнер кўпаймоқда. Аммо кўпгина хўжаликларда шу бугунги наф орқасидан қувиб иҳота дарахтзорларини кесиб ташлашмоқда ва бу ерларга экин экишмоқда. Масалан, Фарғона ва Бухоро областларидаги иҳота дарахтзорлари ўзбошимчалик билан кесиб ташланиши ва уларга қаров ёмонлиги натижасида ғоятда сийраклашиб кетди.

Катта-катта майдонлар да шамол эрозиясининг кучайиши, пахта ва бошқа экинларни ялаб кетиши ана шу калтабин практиканинг бевосита оқибати бўлди. Бултур Киров, Бувайда, Ленинград, Фрунзе районларининг кўпгина далалари да чигит икки, уч мартадан қайта экилди. Иҳота дарахтзорлари асралганида мана шу қайта экишдан ва ҳосилнинг нобуд бўлишидан кўриладиган зарарнинг олди олинар эди.

Лалми ерлардаги иҳота дарахтзорларининг аҳволи кишини ташвишлантиради. Бундай дарахтзорлар Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё областларининг бир қанча хўжаликларида кейинги вақтларда сийраклашиб кетди. Ўрмон хўжаликлари иҳота дарахтзорларини совхоз ва колхозлар балансига ўтказганларидан кейин одатда уларнинг аҳволи ғоятда ёмонлашиб кетади. Иҳота дарахтзорлари кўпинча тегишли назоратдан четда бўлиб қолади. Хўжаликларда ўрмон мелиораторлари мутахассислари йўқ, дов-дарахтлар парвариши, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш дуруст ташкил этилмаган. Кенгаш да сўзга чиққанлар республика Госагропроми мана шу ишни ғоят қисқа муддатда йўлга солиш лозим, зеро ўрмон мелиорациясига нотўғри муносабатда бўлишдан биринчи навбатда колхоз ва совхозларнинг ўзи зарар кўради, дедилар.

Регионимизга хос бўлган кескин континентал иқлим, қурғоқчилик, қаттиқ шамоллар бўлиб турадиган шароитларда комплекс иҳота ўрмонзорлари системасигина салмоқли самара бера олади, деб таъкидланди. Бундай система иҳота дарахтзорларини, канал ва йўл ёқаларидаги дарахтларни, воҳа ва аҳоли пунктлари чегаралари бўйлаб ўтказилган дарахтларни ўз ичига олиши керак. Бу борада олимларнинг ҳам, амалиётчиларнинг ҳам қиладиган ишлари кўп. Ҳозир Ўзбекистон ирригация тармоқларининг тахминан тўққиздан бир қисмигина иҳота дарахтзорлари ҳимоясида эканлигини айтиш кифоя. Дарахтзорлар территориянинг 4,8 процентинигина эгаллайди. Бу мамлакат бўйича энг паст кўрсаткичлардан биридир. Ҳолбуки, улар далаларни иҳота қилишдан ташқари, қўшимча минглаб тонна мева ва ёнғоқ беради, ипак ва ёғоч-тахта етиштириш қўлайишини таъминлайди.

Республиканинг суғориладиган районлари, шунингдек чўл, дашт, тоғлари жуда катта ўрмон мелиоратив ишлари бажарилишига муҳтож. Шу ишларни интенсивлашда комплекс механизациялаш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кейинги йилларда Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари бир қанча самарали механизмларни ишлаб чиқишди-ю, лекин уларни жорий этиш тўхталиб қолмоқда. Институтнинг ишлаб чиқариш базаси заиф, корхоналар эса ўрмон мелиорациясига аталган буюртмаларни бажаришга мойил эмас. Масалан, бундан бир неча йил аввал «Узбексельмаш» бирлашмасида саксовул — ўт уруғларини экадиган машиналар тажриба намуналари тайёрлаб чиқарилганди. Улар синовдан яхши ўтди. Ўрмон хўжаликларигина эмас, чорвачилик хўжаликларидан ҳам шундай механизмларга буюртмалар келмоқда. Аммо сеялкалар ҳанузгача кўплаб ишлаб чиқарилмаяпти. Республика Госагропроминиг ташкил этилиши ана шу долзарб масалаларни ҳал этишга ёрдам бериши, муҳим ишни тезлатиб юборниши керак.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Госагропроминиг раиси И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ— ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш партия иқтисодий стратегиясининг асосий масаласидир. Худди шу боисдан ҳам КПСС XXVII съездида бу вазифа техниканинг энг юқори унумдорликни ва самарадорликни таъминловчи янги туркумларини, принципиал жиҳатдан янги технологияларни кенг жорий этиш вазифалари сингари халқ хўжалигини интенсивлашнинг асосий воситаси сифатида таърифланди. Съездда КПСС Марказий Комитетида ўтган йил июнь ойида бўлган кенгашда бу соҳада белгиланган йўл янада бойитилди, яқин йилларга ва олис истиқболга мўлжалланган конкрет йўл-йўриқ ва вазифалар белгилаб берилди.

«Совет Ўзбекистони» ана шу актуал мавзуни кенг кўламда ва талаблар даражасида ёритиш учун масъул партия ходимлари, фан, олий мактаб, планлаштириш органлари, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати ташкилотчилари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари намояндалари иштирокида давра суҳбати ўтказган эди. «Илмий ғоя ва ечимларни амалиётга жорий этиш — фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда бош омил» мавзундаги ана шу суҳбат ҳисоботи ўтган йил 18 декабрда эълон қилинди. Унда бу соҳадаги ишларда самарадорликни янада юксак бўлишини таъминлаш юзасидан бир қанча таклифлар илгари сурилди, қатор муаммолар ўртага ташланди. Редакция ана шу долзарб мавзу устидаги суҳбат яна давом этади деб ишонч билдирганди. Дарҳақиқат, газетхонлар, олим ва мутахассислардан бу хусусда пайдар-пай хатлар келиб турибди, расмий жавоблар олинмоқда. Бугунги саҳифада улардан айримлари билан танишасиз.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институтидаги силикатлар химияси лабораториясида маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан елимшак ва керамик материаллар яратиш устида изланиш олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда цементсиз елимшак материал тажриба-саноат синовидан ўтказилди. Қурилиш ноні — цементни тежаш имконини берадиган бу янгиликнинг биргина темир-бетон маҳсулотлари корхонасида қўлланилиши йилига 100 минг сўм иқтисодий самара беради.

Суратда: (чапдан ўнгга) инженер Н. Салмонова, кичик илмий ходим Х. Бадалова ва лаборатория мудирининг ўринбосари, техника фанлари кандидати Х. Усмонов тадқиқот натижаларини муҳокама этмоқдалар.

В. Молгачев фотоси.

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

ҲАР БИР САНОАТ КОРХОНАСИДА СОЦИОЛОГ-ТАДҚИҚОТЧИ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда таъкидланганидек, фан-техника революциясининг социал оқибатларини тадқиқ этиш, фан билан ишлаб чиқариш алоқасини янада мустаҳкамлаб бориш, фан ютуқлари амалиётга тезроқ жорий этилишига эришиш экономикамизнинг илдам ва изчил ўсиши учун замин ҳозирлайди. Бу ишда социолог-тадқиқотчининг роли ниҳоятда катта.

Ўзбекистон саноат корхоналарида, якка тартибда бўлса ҳам, айрим иқтисодчилар, социологлар текшириш ишлари олиб бориб, унинг материалларини умумлаштириш асосида илмий ишлар ёзмоқдалар. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «8-Март» тикувчилик фабрикаси меҳнат коллективи ўртасида шундай иш олиб борилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги республика социологлар ташкилоти эса бу борада сезиларли ишларни амалга оширмоқда.

Бироқ республикамизда бу соҳада қилинаётган ишларнинг салмоғи ҳозирги замон талаблари даражасида эмас. Ҳатто социолог-тадқиқотчи фаолият кўрсатмаётган йирик саноат корхоналари ҳам мавжуд. Республикамиз шаҳларидаги айрим саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш бирлашмаларида тарқоқ, якка тартибда социологик тадқиқот ишлари олиб борилаётгани билан областлардаги завод ва фабрикаларда бундай ишларга умуман эътибор берилмаётир.

Саноат корхоналарида ишлаётган ҳар бир ишчининг иш шароитини, турмушини, кайфиятини, меҳнатга ижодий муносабатда бўлишини, давлат ва халқ олдидаги гражданлик бурчини қандай бажараётганлигини аниқлаш учун социологик тадқиқотлар олиб борилса, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ишлари яхшиланиши шубҳасиз.

Социолог-тадқиқотчи штатли ёки бошланғич партия ташкилотида идеология ишини бошқарадиган шахс сингари жамоатчилик асосида иш олиб бориши мумкин. У ҳар куни бевосита ишчилар орасида бўлиб, уларнинг кайфиятини, ўй-фикрини, иш фаолиятини, бўш вақтни қандай ўтказишини ўрганиши, чуқур таҳлил қилиши ва шу асосда завод маъмуриятига, партия ташкилотига социал-маданий ва ахлоқий тарбия масалаларига доир ўз тавсияларини бериши лозим. Бу борада пала-партиш эмас, аксинча социал соҳанинг маълум йўналиши, мавзун бўйича план асосида иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар ўқитувчилари ҳам конкрет завод ёки фабрика билан шартнома тузиб, социологик тадқиқот ишлари олиб боришлари зарур, деб ўйлаймиз.

Жамиятшунос олимлар жамоатчилик асосида социологик лабораториялар ташкил этиб, унга студентлар, аспирантларни ҳам жалб этишлари мумкин.

Ҳ. КАРИМОВ,
Самарқанд давлат университетининг кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори.

РАСМИЙ ЖАВОБЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ПЛАН КОМИТЕТИ:

«Жадаллаштириш йўлидан» мақоласида кўтарилган масалалар — фан билан ишлаб чиқариш алоқасининг ташкилий формаларини такомиллаштириш, тадқиқотларнинг савиясини ошириш, илмий муассасаларнинг тажриба-экспериментал базасини мустаҳкамлаш, илмий кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш ва бошқа проблемалар муҳим аҳамият касб этади.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида республикадаги илмий-техника потенциалидан янада тўлароқ фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини тезроқ ва самарали ошириш чоралари кўрилаётир. Фан билан ишлаб чиқариш алоқасининг илғор ташкилий формаларини кенгайтириш, бу алоқанинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга эътибор кучайтирилди. Академияга мансуб ва тармоқ илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, лойиҳа-конструкторлик ва технология ташкилотлари фаолияти тобора изчил мувофиқлаштирилмоқда. Илмий-тадқиқот институтлари билан конструкторлик бюролари тармоғини такомиллаштириш ҳамда уларнинг ташкилий тузилишини янада мукаммаллаштириш юзасидан тадбирлар комплексини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Шу беш йилликда энг муҳим тармоқлараро проблемаларни ҳал этиш юзасидан муваққат коллективлар ташкил этиш, фан ва техника ютуқларини амалиётга татбиқ қилишни жадаллаштиришни кўзлаб, инженерлик, технологик, илмий-ишлаб чиқариш марказлари ҳамда ихтисослаштирилган жорий этувчи ташкилотлар барпо этиш мўлжалланмоқда. Конкрет ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш учун тармоқ лабораториялари барпо этилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида эпчил ишлаб чиқариш системалари ҳамда робот техникаси комплексларини жорий этиш ишларини тезлаштириш мақсадида иккита («Мотор» ва «Манипулятор») инженерлик маркази, пахта териш машиналари ишлаб чиқиш, зарарли таъсири кам бўлган дефолиантлар яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш технологиясини жорий этиш мақсадида эса учта илмий-ишлаб чиқариш маркази барпо этилди. Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши халқ хўжалиги тармоқларида фан-техника ютуқларини жорий этишни жадаллаштириш имконини беради, ишлаб чиқаришда тадқиқот натижаларидан кенгроқ кўламда фойдаланишни таъминлайди. Тармоқлараро муҳим проблемаларни ҳал этиш, бутунлай янги технологиялар, ускуналар, машина ва материалларни амалиётда кенг қўлланиш юзасидан илмий-техника комплекслари ташкил этиш таклифлари ишлаб чиқилмоқда. Илмий-тадқиқот муассасалари билан конструкторлик бюроларининг тематик планлари тафтиш қилинмоқда. Бундан кўзланган мақсад уларнинг изланишларини фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларига қаратишдан, илм-фан бобидаги режаларда ишлаб чиқариш эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олишдан иборат.

Мазкур тадбирларни амалга оширишда 1986 йилдан эътиборан илмий, конструкторлик ва технология ташкилотларида ҳақ тўлашнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг шу масала хусусидаги қарори билан белгилаб берилган янги шартларига тўғри жуда муҳим омил бўлади. Илмий муассасаларни замонавий прибор ва ускуналар билан таъминлашни яхшилаш, уларнинг тажриба-экспериментал базасини йириклаштириш ҳам бу ишда муҳим омил бўлиб қолади.

Илмий кадрлар тайёрлашни, хусусан, фан ва техниканинг асосий йўналишлари бўйича илмий кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш юзасидан ҳам тадбирлар комплекси белгиланмоқда.

И. ИСҲОҚОВ,
Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ:

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш кўп жиҳатдан бу жараёнга меҳнаткашлар кенг оммасини, энг аввало, ўқувчи ёшларни жалб этишга боғлиқ. Гап шундаки, келгусида мамлакатимизнинг иқтисодий, халқ хўжалик ва мудофаа потенциалини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид барча фан-техника проблемаларини бугунги кунда мактаб бағрида таълим олаётган ёшлар ҳал этадилар. Шу боис ўқувчиларда илмий-тадқиқот ишларига ҳам қизиқиш уйғотиш лозим. Бунга турли фан-техника ва илмий-ижодий тўгараклар ёрдамида эришиш мумкин. Лаёқатли ёшларни аниқлаш, уларда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш кўникмасини орттириш мақсадида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми ўз илмий муассасаларини Тошкентдаги қирқ еттита мактаб ҳамда махсус мактаб-интернатларга бириктириб қўйишга қарор қилди. Худди шу мақсадда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети билан ҳамкорликда физика, математика, биология ва химия бўйича ўқувчиларнинг кичик академияси ташкил этилган. 1985 йилда эса кибернетика ва педагогика бўйича ҳам кичик академия барпо этилди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга олий ўқув юртлари олимлари СССР Фан ва техника давлат комитети планига мувофиқ, хўжалик шартномалари асосида тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Жумладан, Фарғона давлат педагогика институти олимлари ярим ўтказгичлар ва ярим ўтказгич приборлар ишлаб чиқиш устида тадқиқот ишлари ўтказишмоқда. Конструкциялар пишиқ-пухталигини аниқлаш бўйича улар яратган асбоблар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Қашқадарё ва Бухоро областларининг бир қанча хўжаликларида Бухоро ва Қарши давлат педагогика институтлари олимлари яратган сув чучитгич қурилмалар ишлаб турибди. Қуёшдан энергия олувчи бундай қурилмалар чўл районларини ичимлик сув билан таъминлашда иш бермоқда. Жиззах, Хоразм, Сирдарё ва Термиз давлат педагогика институтларида ҳам қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш соҳасида иш олиб борилмоқда. Наманган давлат педагогика институти олимлари ғўзани зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг интеграциялашган системасини ишлаб чиқдилар.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш муносабати билан бизда психология ва педагогика фанларини ривожлантиришга, хусусий методика бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қилинмоқда. Ўқувчиларни ҳар тарафлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларда коммунистик онгни шакллантириш учун тарбиявий ишни кучайтириш, таълим ва тарбия ишида давлатимизнинг социал-иқтисодий сиёсатини кенг тушунтириб бориш ўқитувчи меҳнатининг асосий йўналишини белгилаб беради.

Совет мактабида таълим мазмунини такомиллаштиришнинг ажралмас белгиси унинг ғоявийлиги ва партиявийлигини оширишдир. Шу маънода ўқувчиларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш проблемаси алоҳида диққатга сазовор. Олимларимизнинг бу борадаги изланишлари СССР Педагогика фанлари академиясининг 1986—1990 йилларга мўлжалланган энг муҳим педагогик тадқиқотлар координацион планига ҳам киритилган.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги олий ўқув юртлари кафедраларининг, илмий муассасалар бўлимларининг илмий-тадқиқот ишларини планлаштиришда олимларимизнинг Бутуниттифоқ комплекс программаларини ҳал этишдаги иштирокини ҳисобга олиш, ҳар бир ечим натижалари халқ хўжалигига жорий этилишига эътиборни қаратиш зарур деб ҳисоблайди. Халқ маорифи соҳасида шунга эришиш керакки, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги бугунги талабларига тўла жавоб берсин.

Х. ХОЛИЁРОВ,
Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари.

...фанни халқ хўжалиги эҳтиёжлари сари буриб юборишни янада зўр ғайрат билан амалга ошириш керак. Аммо ишлаб чиқаришнинг ҳам фан томон юз ўгиришига эришиш, унинг фан-техника ютуқларини максимал даражада сингдира олишини таъминлаш ҳам жуда муҳимдир.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий докладидан).

СЕРСАМАРА ОЗУҚА

Давра суҳбатида давримизнинг актуал масалалари, хусусан фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг турли қирралари қамраб олинган бўлиб, бизга, айниқса илмий-тадқиқот натижалари ва ечимларнинг амалиётга жорий этилиши талаблар даражасида эмаслиги хусусидаги фикрлар маъқул бўлди. Хлорелла ва бошқа сувўтлардан фойдаланишга оид илмий тавсиялар билан ҳам шундай бўлмоқда. Ҳар тарафлама фойдали эканлиги илмий ва амалий жиҳатдан тўла исботланганлиги ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига татбиқ этилганига кўп йиллар бўлганига қарамай, улардан фойдаланиш кўлами ва сифати биз, микробиологларни асло қониқтирмаётир.

Чорвачиликни витаминли озуқалар билан таъминлашнинг бирдан-бир йўли хлорелла ва бошқа сув ўтлари суспензиясини ишлатишдан иборат. Шуни айтиш керакки, хлорелла, спирулина, сценедесмус ва бошқа сув ўтларида ўн тўрт хил витамин бор. Уларни витаминлар концентрати деса ҳам бўлади. Хлорелла ва спирулинада айрим ўсимликларда учрамайдиган, ҳайвонлар организми учун жуда муҳим бўлган B_{12} витамини борлиги аниқланган.

Хлорелла ва бошқа сув ўтлари оқсилларга жуда ҳам бой. Улар таркибида ҳайвонлар оқсилида учрайдиган ҳамма аминокислоталарнинг борлиги ҳам аниқланди. Чунки микросувўтларда ҳам ўсимликларга, ҳам ҳайвонларга хос хусусиятлар мавжуд. Хлорелланқ чорва моллар ва паррандаларга тажриба йўсинида суспензия ва, ҳатто, ун ҳолатида бериб кўрилди. Чунончи Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-текшириш институтида ўтказилган тажрибада қорақўл қўйларга 2 литрдан хлорелла суспензияси қўшиб берилганда уларнинг ўртача кунлик ўсиши контролдагига нисбатан 8,5—43,7 процент ортиқ бўлган. Пилла ҳосилининг ўсиши, толасининг узунлиги ортиши ҳам хлорелла суспензиясининг афзаллигидан далолат беради. Балиқ боқиладиган сунъий ҳовузларда сув ўтларини кўпайтириш натижасида 25—30 процент қўшимча балиқ маҳсулоти олинди.

Ўзбекистоннинг хлорелла ўстириш учун ускуналари бўлган колхоз ва совхозларида бир йилда 320 минг тонна хлорелла суспензияси етиштирилади. Бу эса 65 минг тонна қўшимча гўшт ишлаб чиқариш ёки 84 миллион сўм қўшимча даромад олиш имконини беради. Иқтисодчиларнинг ҳисоблашларига кўра хлореллани Ўзбекистон чорвачилигида ялпи қўлланишдан йилига 250 миллион сўм қўшимча даромад олиш мумкин.

ФАН ЮТУҚЛАРИНИНГ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИДА ИЗЧИЛЛИК БЎЛСИН

Ҳар хил оқова ва ифлосланган сувларни тозалашда ҳам микросувўтлар жуда қўл келди. Саноат оқова сувларини тозалашдан олинадиган хлорелла биомассасидан ёғ ва биогаз олиш йўллари топилди. Чорвачилик комплексларидан чиқадиган ифлосланган сувларда хлорелла ўстирилганда ҳам сув тозаланади, ҳам катта ҳажмдаги хлорелла биомассаси олинади. Бундай сувдан қишлоқ хўжалик экинларини суғориш, сунъий ҳовузлар барпо этиб, балиқ боқиш имкони туғилади. Хлорелла пастасини эса қайта комплекс ишлаш натижасида оқсил моддалари, дори-дармонлар, парфюмерия ва косметология учун турли хил хом ашёлар олиш мумкин.

Ўсиш жараёнида сув ўтларини доимо ҳаракатлантириб, яхши аралаштириб туриш керак. Шунда у яхши ўсади, озуқа моддаларини яхши ўзлаштиради ва пастга чўкиб қолмайди. Хлорелла ўстирадиган ускуналар тузилиши жиҳатидан содда, ишлатилиши осон бўлишига алоҳида эътибор берилади. Унинг такомиллаштирилган хилларидан бири лоток-ускуна бўлиб, узунлиги 10—15 метрли учта ва ундан ортиқ шохобчадан иборатдир. Лоток-ускунага ўрнатилган электромоторли насос ёрдамида суспензия ҳаракатлантириб турилади. Унинг тагига ўрнатилган темир трубалардан иссиқ сув юборилиб, ускуна иситилади. Ойнаванд ёки усти полиэтилен плёнка билан ёпилган бундай жойда (теплицада) қишин-ёзин сув ўтлари ўстириш мумкин.

Агар хлорелла саноат миқёсида ўстириладиган бўлса, очиқ лотоксимон, шишадан ясалган ёпиқ батареясимон ускуналардан ҳам фойдаланиш мумкин. Эндиликда сув ўтлари экологияси ва физиологияси лабораторияси илмий ходимлари хламидомонада ва эвглена сингари сув ўтларини табиатдан ажратиб олиш усулларини қўлланмоқдалар. Бу сув ўтларининг хивчинлари, кўзи бор ва улар актив ҳаракат қиладилар. Шунинг учун уни ўстиришда электромоторли насос билан аралаштиришга, карбонад ангидрид гази ишлатишга зарурият қолмайди. Ҳужайраси анча катта, унинг пўсти хлореллага нисбатан юпқа ва шунинг учун ҳам ҳайвонлар томонидан яхши ҳазм қилинади. Бу сув ўтларида ўсимликларга хос хусусиятлардан кўра ҳайвонларга хос хусусият кучлироқ.

Хлорелла ўстириш ва ундан чорвачиликда фойдаланишни яхши йўлга қўйиш мақсадида Тошкент область Калинин районидаги «Рассвет» совхози базасида тайёрлов курси ташкил қилинди.

Қишлоқ хўжалигини, унинг асосий тармоғи ҳисобланган чорвачиликни ривожлантириш алоҳида диққат-эътиборни талаб қилар экан, бу борада хлорелла ва бошқа сув ўтлари суспензиясидан дадил фойдаланавериш лозим.

А. МУЗАФФАРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

А. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг катта илмий ходими.

ПАРТИЯ ТУРМУШИНИНГ ҚОНУНИ

КПСС Устави — партия турмушининг қонунидир. Устав қоидаларини КПССнинг янги таҳриридаги Программаси, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий доклади қоидаларига мувофиқлаштириш — Уставга киритилган ва съезд тасдиқлаган ўзгаришларнинг асосий мазмунидир. 10 март куни Москвада совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференциясида шу нарса уқтириб ўтилди. Конференция КПСС Уставига бағишланди.

Матбуот конференциясида КПСС Марказий Комитети Ташкилий—партиявий ишлар бўлими консультантлар группасининг раҳбари И. А. Швец сўзга чиқди. КПСС Программаси ва Устави партиянинг бутун фаолиятига асос бўладиган ҳужжатлардир, деб таъкидланди. Бу ҳужжатлар съездда бир вақтнинг ўзида қабул қилинганлиги чуқур маънога эгадир. Уставдаги ўзгартишлар партияни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаша, унинг барча бўғинларида иш савиясини оширишни таъминлашга ва пировард натижада — партиянинг совет жамиятидаги раҳбарлик ролини ошириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган.

Уставда партиянинг синфий табиати ўзгармаслиги мустаҳкамлаб берилганлиги, партиянинг ташкилий тузилиши ва бутун фаолияти ленинча принципларининг бузилмаслиги тасдиқланганлиги муҳимдир. Партиямизнинг Устави асосланадиган мана шу принциплар ўзгармайди. Улар партия фаолиятининг ҳозирги босқичига, партия тараққиётининг янги босқичига татбиқан янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди. КПСС ленинча принципларга содиқликни, партия турмуши нормаларига изчил риоя этишни ўзининг бутун фаолияти муваффақиятининг ҳал қилувчи омили, деб билади.

Уставга киритилган ўзгартишлар партия ички ҳаётида, унинг иш методларида демократизмни янада чуқурлаштиришга, партиянинг омма билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга, коммунистларнинг, партия ташкилотларининг умумий иш учун масъулиятини оширишга хизмат қилиши лозим.

Нотиқ Уставга киритилган баъзи ўзгартишларни таърифлаб, принципиал жиҳатдан муҳим жиҳатни уқтириб ўтди: бу ўзгартишлар СССР Конституциясига мувофиқ партиямизнинг совет жамияти ҳаётидаги роли ва ўрнини янада тўлароқ акс эттириб, унинг интернационал характерини очиб беради.

Партияга аъзо бўлиш тўғрисидаги масала — партия қурилишининг туб масаласидир. Уставга киритилган ўзгартишлар партияга аъзо бўлиб кирувчи кишиларга нисбатан талабчанликни, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш жараёнида КПСС ўртага қўяётган вазифаларни ҳал этиш учун уларнинг масъулиятини оширади. Одатдагидек, партияга янги аъзолар партиясизлар иштирокида очиқ партия йиғилишларида қабул қилинади. Шундай практикага кўпдан бери амал қилинмоқда, эндиликда у Уставда мустаҳкамланди.

Партия аъзосининг вазифалари тўғрисидаги қоидага ҳам муҳим ўзгартишлар киритилди. Бу ўзгартишлар мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишда коммунистларнинг роли ва масъулиятини янада оширишга қаратилган.

КПСС Уставига киритилган ўзгартишларнинг катта қисми партия фаолиятини ташкил этишнинг демократик принципларига тааллуқлидир. Эндиликда демократик централизм партия бутун турмуши ва фаолияти ташкилий тузилишининг раҳбарлик принципи эканлиги тўғрисидаги қоида Уставда янада тўлиқ ифодалаб берилган.

Бир қанча ўзгартишлар киритилган бўлиб, улардан кузатилган мақсад — КПСС турмушининг демократик асосларини янада ривожлантиришдан иборатдир. Аввало бир қанча ўзгартишлар барча партия органларининг ишида коллективчилик принципини яна ҳам мустаҳкамлашга қаратилган.

Уставга коллектив раҳбарлик топширилган иш учун шахсий жавобгарликни, ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир ходимнинг фаолияти устидан доимий контролликни назарда тутади деган қоида киритилган.

Уставга маҳаллий партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари фаолиятига тааллуқли ўзгартишлар киритилган. Бу ўзгартишлар партия органларини партия ишининг услуб ва методларини муттасил такомиллаштириб боришга йўллайди.

Партия XXVII съезди тасдиқлаган КПСС Уставига «Партия ва давлат, жамоат ташкилотлари» бўлими киритилган. Шу бўлимда партия ўзининг ана шу ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини қандай қуриши, уларга раҳбарликни қандай амалга ошириши хусусидаги принципиал қоида таърифланади. Оммавий ташкилотларга партия раҳбарлиги — сиёсий раҳбарлик бўлиб, барча партия ташкилотлари бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг ишини такрорламай, уларнинг ўрнини олмай СССР Конституцияси доирасида иш олиб боришлари таъкидланади. Ана шу ташкилотларга партия раҳбарлигининг асосий мақсади эълон қилинади. Бу мақсад уларнинг ўз активлигини мумкин қадар кўпроқ ривожлантиришга, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳар бири ўз вазифаларини тўла ҳажмда бажаришига кўмаклашишдан иборатдир.

Партия ўз резерви ва ишончли ёрдамчиси — Ленин комсомолининг фаолиятини яхшилашга катта аҳамият бермоқда. Коммунистик қурилишда ёшларни тарбиялашда, янги авлодни камол топтиришда комсомолнинг активлигини янада ривожлантиришга қаратилган йўл партия Уставида тўлиқ акс эттирилган.

Коммунистнинг авангардлик роли ўз-ўзидан бўлмаслиги, бундай роль амалий ишларда ўз ифодасини топиши матбуот конференцияси чоғида таъкидлаб ўтилди.

Журналистларнинг бошқа саволларига ҳам жавоблар қайтарилди.

(ТАСС).

W63 (19.439)

Республикада анъанавий Ҳамзахонлик

НОВАТОР ИЖОДКОР

КПСС XXVII съездида қилинган Сиёсий докладда жамиятимиз ривожида бадиий тафаккуримизнинг фаол қатнашиб келаётганлиги таъкидланди: «Жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамлар яшайдиган маънавий муҳит кўп жиҳатдан адабиёт ва санъатнинг аҳволи билан белгиланади. Адабиётимиз янги дунёнинг туғилишини акс эттириб, шу билан бирга янги дунёнинг қарор топишида актив қатнашди, ана шу дунё кишисини — ўз она юртининг ватанпарварини, чинакам интернационалистни вояга етказди. Бу билан адабиётимиз умумхалқ ишидаги ўз ўрнини, ўз ролини тўғри танлаб олди. Аммо, халқ, партия ёзувчининг, санъаткорнинг ишига баҳо беришда, адабиёт ва совет санъатининг ўзи ўз вазифаларига ёндашишда қўлланадиган мезон ҳам ана шундан иборатдир».

Адабиётимиз тарихига ҳам, унинг бугунига ҳам, уни яратувчилари ижодига ҳам мана шу одил мезондан туриб баҳо беришимиз керак. Шу жиҳатдан ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг гражданлик сиймоси ва бадиий ижоди халқ иши, партия иши учун ва уларнинг эзгу идеаллари учун фидойиларча ҳизмат қилишнинг ёрқин намунаси эканлигига яна бир бор амин бўламиз. У халқ ҳаёти билан, замон билан бир тан, бир жон бўлиб яшади, янги, илғор нарсаларни, тарих ҳақиқатини — коммунистик ҳақиқатни астойдил ҳимоя қилди, ўз ғоя ва идеалларини ифодалашга қулай шакллар, бадиий воситаларни дадил қўллади, шеърият, драматургия жанрларининг янги-янги қирраларини кашф этди, энг муҳими, бир қўлида қалам, бир қўлида қурол билан янги жамият учун курашди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг гражданлик сиймоси ва кўпқиррали ёзувчилик фаолияти бир мактаб, ўлмас анъаналардир.

Зотан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни юксаклик ва боқийлик даражасига кўтарган нарса ҳам унинг ижтимоий фаолияти билан бадиий ижодининг уйғунлигидир. Унинг таржимаи ҳоли тарихнинг нишоб йўллари — оловли йўлларида кечди, характери, дунёқараши шу жараёнда шаклланди, тобланди. Ҳамзанинг қон-қонига сингиб кетган инқилобий руҳ ва халқ, жамият иши учун фидойилик туйғуси унинг ҳаётининг сермазмунлигидан келиб чиқди. Горький ибораси-ла айтганда, у ўзини «ўз юртининг, ўз синфининг сезгиси, унинг қулоғи, кўз қароғи ва юраги, ўз даврининг овози» деб ҳис этди. Бордию, мен шунчаки шоирман деб, бир чеккада — халқдан, ҳаётдан узоқда мисралар тўқиб, ўзининг майда, ўткинчи ҳис-туйғуларини кавлаштириш билан банд бўлганда революционер шахс даражасига ҳам кўтарилмаган ва бундай ўткир новатор ижодкор бўлиб етишмас ҳам эди. Мактаб очиб муаллимлик қилган ҳам у, дарслик ёзган ҳам у, редактор ва нашир, драматург, режиссёр ва актёр ҳам у, композитор, агитатор, жангчи, жамоат арбоби ҳам у... Унинг фаолияти шу қадар кўп қирралики, санаб тугатиб бўлмайди.

Ҳамза дастлабки вақтларда — ижодининг биринчи даврида бахт-саодатга фақат илм, маориф орқалигина эришиш мумкин деб ўйлади ва шеърлари, публицистик мақолалари, повестлари, драмаларида халқни илмга, маърифатга қизғин тарғиб этди. Лекин у доим халқ томонида турди, унинг тақдирига дил-дилдан ачинди, куюнди. «Фақирлик нимадан ҳосил ўлур?» (1914 йил) мақоласида «Бу ғурбат, бу зиллат, бу

УНУТИЛМАС УЙҒУНЛИК

ҳўрлик, бу асорат ва разолат ила эртадан кечгача оғизлари қурушуб, кўзлари мўлтираб ва мўлдир-мўлдир ёшлар оқузиб» юрган камбағалларни кўрганда юраги ўртаб кетади. Иккинчи синф учун мўлжаллаб тузган «Қироат китоби»да (1915 йил) жафо, зулм, тама каби иллатларни ахлоққа зид нарса сифатида таърифлайди. У мактабларда ҳам шу ҳақиқатни баралла айтади, нурпарвар шахс сифатида элга танилади. Маҳмуджон Мир Баротий деган муаллим Ҳамза томонидан Марғилонда мактаб очилиши муносабати билан (1914 йил) унга ёзган мактубида «Жаноби муҳтарам, шоири шуъаро мулла Ҳамзахон афандига. Мактаб очиб маориф тарқатмоқлигингиза раҳмат ва яна Марғилонди илмпарвар ва нурпарвар қилмоғингизга ўтинаман. Раҳмат, афандим, раҳмат!» дейилиши бежиз эмас (Мактуб 1915 йил 31 августда ёзилган).

У ўз мақсад ва ғояларининг халққа тезроқ ва қулайроқ етиб боришини ўйлаб бадиий содда йўлда, шаклда асарлар ёзди, ҳатто халқ орасида кенг тарқалган қўшиқлар оҳангига янги қўшиқлар ёзиб, «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» мажмуасини тузди (1915—1917 йиллар).

Мажмуанинг «Сафсар гул» бўлимини мардикорлик воқеасига бағишлаб, мардикорларнинг қаттиқ норозилигини очиқ ифодалайди. Ҳамза мардикорлик воқеасининг меҳнаткаш халқ бошига келтирган барча кулфатларини ўз кўзи билан кўрган, шунинг учун бу воқеа тўғрисида қатор шеърлар ва «Лошман фожиаси» номли трилогия ҳам ёзган.

Агар Ҳамза «Заҳарли ҳаёт» (1916 йил) пьесасида ўша адолатсиз эски тузумни заҳарли ҳаёт деб таърифлаб, асар қаҳрамони Марямхон тили-тақдири орқали «Бу заҳарли ҳаётдан ўлим яхши!», «Бу қандай жаҳолат замон, қандай ваҳшат замон!», «Дод, золимдан», деган бўлса, «Бой ила хизматчи» ва «Истибдод қурбонлари» (мардикорлик ҳақидаги трилогиянинг биттаси) асарларида ўша тузумга қарши фаол курашга бел боғлаган революционерлар образини чизади.

Дарвоқе, Ҳамза ўзбек адабиёти тарихида сиёсий шеъриятни, сиёсий пьеса, сиёсий трагедияни бошлаб берган новатор ижодкордир. У ўз мақола ва қайдларида, мактубларида халқнинг инқилобий руҳини уйғотадиган асар ёзишга даъват этиши бежиз эмас. У бир қайдида баъзи ўртоқларнинг халқдан узоқ бўлганлиги учун «...этнография ва драмачилик даво майдонида инқилобий ҳиссиёт, ижодий ҳаёт кўргазмалари ўрнига қуруқ гавда санъатлари билан товуш қалфаларидан бошқа бир нарса жавлон ургани кўринмади», бошқа бир ўринда у «санъат мунгларини халқ тилагича назмий ва насрий ҳиссиётларини инқилоб, ижтимоиюнчилик талабича юргизиш» кераклигини таъкидлайди, бу соҳада хизмат этувчиларнинг «ўзларининг ички илмий, сиёсий, ижтимоий кучларини ўстира боришини» талаб қилади.

Хотин-қизлар тақдирини бизда ҳеч ким Ҳамзачалик чуқур ва кенг бадиий таҳлил қилмаган. Аёлларнинг озодликка чиқиши ва ҳаётда ўз ўрнини топишида диннинг, эски, ярамас урф-одатларнинг қанчалик катта ғов бўлганини Ҳамзачалик қаҳрғазаб билан тасвирлаган ижодкор кам. Унинг «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши», «Туҳматчилар жазоси», «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши» каби драматик асарлари, «Ўзбек хотин-қизларига», «Бу кун 8-март», «Ҳужум» хоинларга», «Узилган чечаклар», «Турсуной марсияси» каби шеърлари ўзбек аёлларининг таржимаи ҳоли, камолот тарихининг бадиий тасвиридир. Шоир хотин-қизларни озод қилиш кампанияси даврида, маҳаллий Советларга сайлов даврида ёки босмачиларга қарши қураш йилларида ҳам ижтимоий фаолияти, ҳам бадиий асарлари билан бу муҳим воқеаларда иштирок этди, жанговар агитатор, ҳужумкор шоир, ҳозиржавоб драматург сифатида шуҳрат қозонди.

Олтиариқ район Шўро сайлови масъул раисининг Ҳамзага юборган мактубида ундан «Шўро сайловига доир ҳар бир қонун-қоидалардан кўпчилик деҳқонларга тушунтириб изоҳат бериб туришингиз лозим», деб илтимос қилинади. Ҳамза бу билан чекланмайди, бурунги ва ҳозирги сайловларнинг моҳиятини очувчи қатор драматик асарлар ёзади. У ўз труппаси билан Закаспий ва Фарғона фронтларида хизмат қилиб, босмачиларнинг тормор этилишига ўз улушини қўшади. Ҳатто шоирнинг архивида сақланаётган ҳужжатлардан бирида Ҳамзанинг Конибодом, Бешариқда театр қўйиш орқали инвалид қизил аскарларга моддий ёрдам уюштирганлиги айтилади. Яна бир ҳужжатда — Конибодом фирқа қўмитаси раиси тилхатида ҳам шу факт хусусида фикр юритилади.

Ҳамза мамлакатда бўлаётган бу ўзгаришларнинг буюк тарихий аҳамияти борлигини теран тушунади, ўз замонини «тараққий даврдир», деб билади ва ўзининг шу тарихий жараённинг, ўзгаришлар даврининг фаол иштирокчиси эканлигидан қонуний ғурурланади. У дўстларига ёзган мактубларидан бирида ўзини «миллатингиз учун оз даражада бўлса ҳам фойда еткава олатурган бир биродарингиз» дейди.

Ҳамза ўзи таъкидлаганидек «улуғ умид ва буюк хизматлар умидида бир тил ва бир диллик» бўлиб яшади, ижод қилди. Шунинг учун унинг шахсияти, гражданлик сиймоси билан бадиий ижодининг ўртасида ҳар доим орзу қиладиган, ибрат бўладиган ажойиб уйғунлик таркиб топди. У энг аввало ўз халқининг асил, фидойи фарзанди бўлди, бу нарса унинг ғоявий-сиёсий ва бадиий юксак асарларини вужудга келтирди, мазмуни, мавзуи, образлари, шакл ва тасвирий воситаларини янги ва рангбаранг этди.

Ҳамза ўз қаҳрамони тили орқали «Майли, бизлар халқ учун қурбон бўламиз. Келажакда меҳнаткашлар озод яшасин!» деган эди. Биз ҳам бугун унинг қаҳрамони орқали «Яшасин мазлум меҳнаткашлар учун жонини қурбон қилган фидокорлар!» дейميз фахр билан.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори.

Суратда: рассом А. Циглинцевнинг «Ҳамза — революция куйчиси» туркум асарларига кирадиган «Янги қўшиқ» гравюраси. С. Маҳкамов фотоси.



Константин СИМОНОВ:

Унинг ажойиб биографиясини бутун совет адабиётидаги энг қаҳрамонона биографиялардан бири деб айта оламиз.

●

Николай ТИХОНОВ:

Владимир Маяковский, Демьян Бедний ва революция туфайли бунёдга келган бошқа улкан шоирлар рус поэзиясида новаторлик йўлларини излаган ўша тарихий даврда Ҳамза ўзининг миллий адабиётида ана шу йўлларга асос солди. Ҳамза музика ва театр санъатида ҳам ана шундай муваффақият билан янги ижодий изланишлар олиб борди.

●

ОЙБЕК:

Ҳамзанинг шеърлари чақмоқдай ва момақалдироқдай қудратли. Бу рус инқилобий поэзиясига ўхшайди. Унинг ҳар бир сўзи — бир шиор, ҳар бир шеъри давр ҳайқириғидир.

●

ЯШИН:

Ҳамза бўрон қуши сифатида кишилик зўр муддаоларининг мавжли уммони узра наъра урди. Тез орада бўрон гувуллаши ҳақида ўз халқига жар солди, ана шу шиддатли бўрон гувуллагач, ғалаба ва бахт-саодат ҳақида, инсон идрокининг улуғворлиги ҳамда партия билан халқнинг енгилмас кучи тўғрисида қўшиқлар ёзиб, уларни ўз халқи билан бирга куйлади.

ИЛМИЙ СЕССИЯ ВА КОНФЕРЕНЦИЯ

Республикамизда анъанавий Ҳамзахонлик кунлари ўтмоқда. Шу муносабат билан В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида 10—11 март кунлари илмий конференция бўлди.

Илмий анжуманнинг биринчи мажлисида «Ҳамза ва халқ тили», «Майсаранинг иши» комедиясининг саҳнавий талқини», «20-йиллар Туркистон матбуоти саҳифаларида революция шоирлари ижоди», «Ҳамза поэзиясининг лексик хусусиятлари» мавзуларида докладлар қилинди. «Девони Ниҳоний»даги баъзи поэтик санъатлар ҳақида», «Ҳамза ижтимоий адолат ҳақида», «Ҳамза ва ўзбек миллий тилининг тараққиёти», «К. Яшиннинг «Ҳамза» романида характер ва шароит» темаларида қилинган маърузалар ҳам йиғилганларда қизиқиш уйғотди.

Конференциянинг иккинчи мажлисида «Ўзбек адабий тили тараққиётида Ҳамзанинг роли», «Ҳамза поэзиясида «Ҳужум» кампаниясининг акс этиши (1926—1927 йиллар)», «Ҳамза поэзиясида эстетик идеал», «Болтиқбўйи адабиётида Ҳамза образи» мавзуларида қилинган докладлар изланишларга бой эди. Ҳамза асарларининг тили, шунингдек, ўлмас сўз санъаткорининг хатлари тўғрисида ҳам докладлар қилинди.

* * *

Ҳамзахонлик муносабати билан Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Қўлёзмалар институти ўзбек совет адабиётининг асосчиси ижодини ўрганишга бағишланган XXIV анъанавий илмий сессияни ўтказмоқда.

Маълумки, инқилоб куйчиси ва шоирининг аксарият пьесалари ҳанузгача театрларимиз репертуарига ўзига хос файз киритиб келяпти. «Майсаранинг иши» комедияси ана шундай асарлардан. Илмий сессияда бу машҳур асарнинг яратилиш тарихи ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Ҳамза ижодида гражданлик позицияси, изланишларидаги атеистик мотивлар ҳали-ҳамон олимларни, адабиёт мухлисларини, халқни илҳомлантириб келади, шоирнинг шахсияти ва бадиий олами, ижодида реализмнинг тараққиёти алоҳида аҳамиятга моликдир. Илмий анжуманда бу мавзулар ҳақида ҳам фикр алмашинади.

Адабиётшунослар Ҳамза ва қардош халқлар ёзувчилари, ҳамзашуносликнинг актуал проблемалари, шоир асарлари тилига оид ва бошқа темаларда ҳам докладлар қиладилар.

М. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Алишер Навоий номидаги республика Давлат кутубхонасида ташкил этилган навбатдаги кўргазмага Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўзбек, шунингдек, қардош республикалар тилларида, хорижий мамлакатларда нашр этилган юздан ортиқ китоблари қўйилди. Кўргазмада инқилоб куйчиси ҳақида турли йилларда таниқли олимлар томонидан ёзилган рисола ва монографиялар ҳам бор. Кутубхонага ташриф буюраётганларда Ҳамзанинг асарлари босилган газета ва журналлар алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Бу матбуот намуналарининг аксарияти йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи йилларнинг нашрларидир.

Кутубхона маъмурияти ва комсомол ташкилоти эса Ҳамза шеърларини ўқиш бўйича мушоира ўтказяпти.

ХОТИРАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

«Хотиралар ҳур қолган ерим» — дейди шоир. Дарҳақиқат, инсон хотирасининг ҳурлиги тарихнинг олис манзараларини замон кўзгусида ҳаққоний жонлантиришга ёрдам беради.

Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли районида Ҳамза билан учрашган кўплаб қарияларни учратиш мумкин. Уларнинг ҳикоя қилишича, шоир Хўжайли интернатига ишга келиши билан унда ўқитишга уринилаётган диний дарслар ўрнига аниқ фанларни, табиий фанларни киритган ва бир йўла ўзи ана шу фанлардан дарс берган. «Мен, — дейди нуроний кексалардан бири Абдуқодир ота Маҳмудов, — эски муллада ўқирдим. Ҳамза келгач, унинг интернатига бордим. Мени Ҳамзанинг ўзи қабул қилди. У жуда ширинсўз, хушмуомала одам эди, шеърни кўп айтарди, кўп ашула ўргатарди. Хивадан Ҳамза ёнига Мадраҳим Шерозий, Сафо Муғанний, Хўжа созчи сингари санъаткорлар, Аҳмаджон Иброҳимов ва бошқа инқилобчилар тез-тез келиб туришарди.

Шоирни эсласам, кўз олдимда пошнаси баланд хром этик, ёнига қизил мато тикилган кўк шим, ёқасига шерози тутилган кўк костюм, тепасига қизил бахмал қопланган шерози попоқ кийган, вужудидан ғайрат, чеҳрасидан самимият нурлари ёғилиб турган инсон намоён бўлади. Баъзан Ҳамза ана шу кийимлари устидан хоразмча чакмон ҳам кийиб юрарди. Биз Ҳамзани шундай кўрганмиз ва шундай эслаймиз. Рассомлар Ҳамзанинг ана шундай суратини ҳам чизишса...»

Бу ниятни Хайрулла ота Баширов, Камолиддин ота Саидаҳмадовлардан ҳам эшитдик.

Расм санъатимизда Ҳамза ҳақида жуда кўп асарлар яратилган. Ишончимиз комилки, рассомларимиз келгусида нуроний отахонлар хотираси ва тасаввуридаги Ҳамзанинг ҳам расмини чизадилар.

Ж. ЖУМАБОЕВА.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни бугунги кунда миллионлаб кишилар яхши билади. Ҳамза ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўрганишда яна бир муҳим манба бор. У ҳам бўлса, шоирнинг ўз қўли билан ёзилган хатлари, шунингдек, унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ турли ҳужжатлардир. Бу мактублар ва ҳужжатлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтидаги Ҳамза архивида сақланяпти.

Қуйида ана шу архивдан айрим ҳужжатлар эълон қилинмоқда.

ҚИЗИЛ АСКАРЛАР ВА ХАЛҚ УЧУН КЛУБ, ТРУППА ВА ГАЗЕТАЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

«1. Организовать труппу, махсус Фарғонадаги қизил аскар ва халқ учун.

2. Клуб ва саҳна, болалар учун.

3. «Янги Шарқ» газетасининг саҳифасин ортдирув ҳамда лойиқ муҳаррирни қандай ўрундан бўлмасин олуб идорага қўюв, ҳамда газетани давомлатув.

4. Мумкин бўлса Хўқанддаги ўлган семинарияни тирилтирув ва они эски муаллимларин борғон ерларидан олдирув ва давом қилдирув, бунга мумкун бўлмаса кела си ёз учун курс очдирув.

5. Шўролар ҳукуматина қўшулгон ва ўғри номин тутгон қишлоқ аҳолиларина агитаторлар чиқартув, курс ва мактаблар, консерт, митинг, адабиёт кечалари ясов».

ҲАМЗАНИНГ ЎРТОҚ ХЎЖАЕВГА ЁЗГАН МАКТУБИ

Ўртоқ Хўжаев!

Бугун болаларимиз «Дорушшафақа» талаба шўросининг Муҳаммадхон труппаси тарафиндан консерватория фойдасина 4 пардалик театр қўйилур, зоти олийингизи келмоқлари диққати назар ўлса билет кўндирдик. Ҳамза».

* * *

«Ушбу шаҳодатнома берилди биродар Ҳамза Ниёзийга шул хусусдаким, Марказ Касабалар Иттифоқи бюросининг 1921-нчи йил декабрининг 14-нчисида бўлгон президиум мажлисининг биринчи моддадин учунчи модда сига биноан ташкилот мудирининг саркотиби ва маъориф шуъба мудирининг саркотиби ва маъориф шуъбаси ҳузуридаги «Саноии нафиса»нинг мудирлик вазифаларин адо этиб турмоғи учун. . . ушбуни назари эътиборга олиб тегишли муомала этмаклари лозимдурур деб ушбу шаҳодатнома қўл қўйилув илан дурустдур деб,

Марказ Касабалар Иттифоқи бюроси раиси:

Масъул саркотиб»

Шаҳодатнома 1921 йил, 14 декабрда Хоразм Шўролар Жумҳуриятининг Марказ Касабалар Иттифоқи бюроси томонидан берилган. Номери—727.

«Шаҳодатнома бериладур Ҳамза Ниёзий Ҳакимзода ўғлига шул хусусда Касаба Шўросини 24-нчи номерли протоколини ...нчи моддасиға биноан қишлоғларда Касаба Шўросини шуъбаларин очмоқ вазифасин адо этиб келмак учун. Кераклик ҳар бир қалъа шўролари мазкур биродаримизга от, аробадин ҳамда милиция сўросаларда ҳеч кечиктурмасдан ёрдам бермаклари лозимдур деб, Касаба Шўро раиси:

Масъул котиб:

(Паҳлавон Ниёз ўғли)»

Шаҳодатнома Хоразм Касаба Шўролар томонидан 1922 йил, 25 январда берилган. Номери — 98.

* * *

«Ушбу шаҳодатнома берилди биродаримизга Ҳамза Ҳакимзодаға шул хусусдаким, мазкур биродарга 24-нчи февралда ўзи тарафидин ёзилгон 4 пардалик «Хоразм инқилоби»нинг 3-нчи лавҳасини саҳнада қўймоқга базъи бир ерларини сўнгдан тузатмоқ шарти ва сўнгги лавҳаларини ҳам тамомлов шарти билан комил ҳуқуқ берилди.

Комиссиялар:

Марказий бюро масъул саркотиби: (имзо)

Ёшлар Марказ Қўмита аъзолари: (имзо)

Маориф Назорати мудири: (имзо)».

Шаҳодатнома 1922 йил, 24 февралда берилган.

АЪЗОЛИК БИЛЕТИ

«Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти маориф ходимларининг биринчи қурултойи аъзолик билети. Номери — 92.

Биродар Ҳамза Ниёз ўғли сўз олурина ҳақли маориф ходимларининг биринчи қурултойинда ҳақиқий аъзодир.

11 июнь 1923 йил, шаҳри Хива.

Мандат комиссия раиси:

Саркотиб:»

ҲАМЗАНИ ХОРАЗМДА ЎЗ ВАЗИФАСИДА ҚОЛДИРИШ ҲАҚИДАГИ БУЙРУҚДАН КЎЧИРМА

«БУЙРУҚ

1923-нчи йил 26-нчи июнь

Макотиб шуъбаси бўйинча

Макотиб назоратининг 1923-нчи йил 27-нчи июнда чиқорғон 94-нчи нумерали буйруқиға биноан қозоқ шуъбасига биродар Ҳамза Ниёзийни юборганда ул ердаги мактабни анингдек идора этажак одам йўқ бўлганлиқни сабабли мазкур биродар Ҳамза Ниёзий Хўжайлидаги мактабни интизомга солғонлики учун ҳар тарика бўлса-да, бул кишини юборилмай Хўжайлида қолдирилса экан, деб маориф назоратига юборган 845-нчи нумерали хатиға ҳамда биродар Ниёзийни ватанига юбармакчи бўлиб чиқорган 85-нчи нумерали буйруқи амалдин соқит бўлди.

Аслиға макотиб шуъбаси мудири: Хусайн Ҳасан қўл қўйғондир».

ШАҲОДАТНОМАЛАР:

«Берилди ушбу шаҳодатнома ўртоқ Ҳамза Ҳакимзода ўғлига шул тўғридаким бу ўртоқ ҳақиқатан Фарғона Вилоят миқёсида чақирилган зиёлилар маслаҳат мажлисининг вакилидур.

Шаҳодатнома тубандаги тегишлик имзолар ва босилғон муҳр ила тасдиқланадур.

Чақириш комиссия раиси.

Ҳакимов (имзо)

Саркотиб:

(имзо)»

Шаҳодатнома бланкада ёзилган. Берилган вақти 1924 йил, 11 январь.

Номери — 28.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА ТОМОНИДАН ОБОДОНЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛГАН ТАДБИРЛАР ПЛАНИ

«1. Чойхона, қўшчи, политпросвет — Комилжон Абдуллаев.

2. Хотунлар клуби — ўртоқ Расулов

3. Кўприк — мулла Маҳмуд

4. Дарвоза — Эрматов, Мулла Тўйчи.

5. Артеллар чойхонаси биринчи — Маҳмуд Али ака

6. Комсомолларники — Отажон

7. Минбар—Мулла Шермат

8. Шиорлар — Мулла Юсуф Қодирий

9. Сўри ток — Эрматов, Мулла Тўйчи

10. Артеллар чойхонаси иккинчи — Мухаммаджон

11. Боғча кўчатлари — Султон кори

12. Безаш иши — Мулла Юсуф Қодирий

13. Иқтисодий ва моддий томони — Мулла Тўйчи.

Ушбу юқорида кўрсатилган папкадаги вазифаларни борлиғимиз ўз қулоғимиз билан эшитиб 1924-йилнинг 11-апрелиға ҳозирлаб беришни ўз устимизга, ўз ризолиғимиз билан олдик. Агар шул кунгача ҳозирланмасак, ҳар бир саволга жавобгармиз, деб — 13 киши, шу ҳисобда Ҳамза Ҳакимзода ҳам имзо чекдим».

ГУВОҲНОМАЛАР:

«Берилди ушбуни Фарғона Вилоят Қўмитаси ҳузуридаги Вилоят Сиёсий онг-билим таратув назоратининг саводсизликни битириш вакили ўртоқ Ниёз ўғлиға шул хусусдаким, мазкур ўртоқға ҳақиқатан Фарвил — ижроқўмининг шу йилнинг 6-нчи июль 174-нчи сон қарорига биноан бир ойлик, яъни шу йилнинг 6-нчи июль ойидан, бошлаб 25-нчи йил 6 август ойигача отпуска (дам олув) учун ижозат бериладур.

Зикр этилмишларни тегишли имзолар ва босилғон муҳр ила тасдиқ қилинадур.

Вилоят ижроқўм масъул котиби: (Фадеев)

Вилижроқўм маҳалқўм раиси: (Конов)

Ишлар мудири: (Мингазетдинов)».

Гувоҳнома 1925 йил 8 июлда берилган. Номери —10970.

* * *

«Ушбуни кўрсатувчи ўртоқ Ҳамза Ҳакимзода Ниёз ўғли ҳақиқатда Фарғона туман 2-нчи Шўролар Қурултойида сайланган Фарғона Туман Ижроия Қўмитасининг аъзосидур.

Тамға имзолар билан тасдиқланадур.

Фарғона Туман Ижроқўм раиси: Қодиров (имзо)

Масъул котиби:

Эгамбердиев (имзо)».

Берилган вақти, 1926 йил, май. Номери — 9101.

ЁДГОР

Ҳамзанинг Туркистондаги фаолияти шоир ҳаётининг маълум бир саҳифасини ташкил этади. Ҳамза ҳаётининг бу даврига оид маълумотлар ҳамзашунос олимлар томонидан ўрганилган, маълум аниқликлар киритилган.

Ҳамза Туркистонда Саидносир Миржалилов (адиб Ойбекнинг қайнотаси) ҳовлисида бош қиш турган, ижод билан шуғулланган. Ижоддан бўш вақтларида хонадон эгасининг қизлари — ҳозирда профессор, кимёгар Зарифа Саидносирова ва Зулфияларни ўқишга ўргатган. Оиланинг яқини бўлган Ҳанифа деган қизчани эса, ўқишга киришга даъват қилган. «Ҳамза қорни мойга, калласи хурофотга тўла бойларни кўрмакка тоқатим йўқ», дерди бизга, без хотирлайди олима.

Айтишларича, Ҳамза ўзи билан бир катта чамадон олиб юрган. Унда турли доро-дармонлар бўлиб, ҳовлидагиларнинг биронтаси бетобланиб қолса, дарҳол «асал ҳиди бурқиган дориворни шалдироқ қоғозга ўраб, нечук истеъмол қилмоқни уқдириб берган».

Ҳамза бу оилага хат ва расмларидан юбориб турган. Афсуски, уларнинг кўпчилиги сақланмаган, фақат бир расм ва открыткага битилган бир мактуб сақланган. Расмларнинг бирида Ҳамза туркча бош кийимда бўлиб, бу расм ҳозир Ойбек уй-музейи фондида сақланмоқда. Открыткага Ҳамза дастхати билан қуйидаги сўзлар битилган:

Миллат қизи э, закия шарифам!
Сенда шулай оврупача қиз ўлғул,
ҳам шоира, ҳам адиба, муҳаррир,
ҳамширалар учун ёрдамчи ўлғул.
Ҳамза Ҳакимзода ёдгорин унутма!»

Мактубга Ҳамза имзосин чекилган ва 1918 йил 1 февраль деб сана қўйилган.

Р. ИБРОҲИМОВА.

Суратда: Ҳамзанинг расми ёпиштирилган ва ўз қўли билан эзгу тилаклари битилган открытка.

ИНҚИЛОБИЙ ФАОЛИЯТ ШАҲОДАТИ

Чет элларда

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Чет эл матбуоти Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди якунларини кенг шарҳлаб, мамлакатимиз коммунистларининг анжуманини жаҳон аҳамиятига молик воқеа деб таърифламоқда. КПССнинг ушбу съезди Ленин партияси, бутун совет халқининг ҳаётида тарихий босқичдир, деб таъкидлашмоқда газеталар. Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашнинг қабул қилинган ва тасдиқланган бош йўли — совет коммунистларининг бош сиёсий якунидир.

XXVII съезд тарихга замонамизнинг энг муҳим воқеаси сифатида киради, деб ёзди Чехословакияда чиқадиган **«Свободне слово»** газетаси. Совет коммунистлари ва совет халқи учун бу анжуман совет жамиятини янада ривожлантиришда, барча халқлар учун эса тинчлик учун курашни кучайтиришда муҳим омил бўлади. Венгрияда чиқадиган **«Непсабадшаг»** газетаси, съезд белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш фақат СССР учун аҳамиятга молик бўлиб қолмасдан, балки катта халқаро аҳамиятга ҳам эга бўлишини таъкидлаб, совет коммунистларининг анжумани қабул қилган қарорлар социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини бундан буён ҳам қарор топтираверишга, социализм ғояларининг жозибадор кучини яна ҳам оширишга, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади, деб ёзди.

Японияда чиқадиган **«Санкэй симбун»** газетасининг Москвадаги мухбири съезд якунларини **«жадаллаштириш стратегияси»** деб таърифлади. Совет раҳбарларининг иқтисодиёт соҳасидаги асосий мақсади, деб таъкидлади мухбир, съездда эълон қилинганидек, ички сиёсат соҳасида 2000 йилга қадар миллий даромадни икки баравар ошириш планини бажаришдан, ташқи сиёсат соҳасида эса, уч босқичда ядро қуролларини тугатиш программасини адо этишдан иборатдир.

Лондонда чиқадиган **«Морнинг стар»** газетасининг таъкидлашича «КПСС XXVII съезди олға қараб зафарли юришда бир вақтнинг ўзида ҳам бурилиш нуқтаси, ҳам старт майдони бўлдики, съезд делегатларининг ва дўстона чет эл делегацияларининг бу хусусдаги фикри якдилдир.

Матбуот «Вега-1» ва «Вега-2» совет автоматик станциялари ёрдамида Галлей кометасини комплекс тарзда кўп мақсадларда ўрганиш программаси тўла бажарилганлигини хабар қилмоқда. Кўпгина мамлакатларнинг газеталари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги СССР, Украина ССР ва Белоруссия ССР доимий ваколатхоналари дипломатик ходимларининг 40 процент қисқартирилишини беорларча талаб этган Вашингтон маъмуриятининг қонунсиз хатти-ҳаракатини қораламоқдалар. АҚШ ана шундай хатти-ҳаракатлар қилиб БМТ сиёсатини ўзгартиришга уринмоқда, деб таъкидламоқда газеталар. АҚШ ана шундай хатти-ҳаракатлар қилиб БМТ фаолиятига расмий Вашингтон учун фойдали бўлган йўналиш беришга уринмоқда, ўзининг халқаро мажбуриятларини тўғридан тўғри бузмоқда, БМТ атрофида ана шу энг нуфузли халқаро ташкилотнинг ишини қийинлаштирадиган вазиятни авж олдирмоқда. Англияда чиқадиган **«Дейли мейл»** газетаси ўзининг редакцион мақоласида Вашингтоннинг бу хабарини ифвогарона қарор, деб атади. «Биз бу ерда — Европада, Атлантика океанининг ўзимиз томонида турибмиз, деб ёзади газета, президент Рейганга унинг тактикаси қалтис ва масъулиятсиз тактика эканлигини айтишимиз лозим. Тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган жараён билан шу тарзда ўйнашиб бўлмайди».

(ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА НИСБАТАН ДУШМАНЛИК ҲАРАКАТИ

ВАШИНГТОН. АҚШ маъмурияти Совет Иттифоқи ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига нисбатан яна бир душманлик ҳаракати қилди. АҚШ давлат департаменти СССР, УССР ва БССРнинг Нью-Йоркда БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналарининг дипломатия ходимларини 1988 йил 1 апрелига қадар 40 процент камайтиришни сурбетларча талаб қилиб чиқди.

Уйдирма ва асоссиз баҳоналар остида қилинаётган бундай ҳуруж Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янада қўпоришга қаратилганлиги равшандир. АҚШнинг ҳозирги маъмурияти кейинги йилларда ана шундай иш билан зўр бериб шуғулланиб келмоқда. Ваҳолонки, у ўзининг бундай куч-ғайратини яхшироқ ишларга сарфласа бўлур эди.

«Вашингтон пост» газетаси бундай сурбетларча қадамни ҳеч кўрилмаган иш, деб таърифлайди. Бу иш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасалари жойлашуви тўғрисидаги масала хусусида тузилган битимга ошкора хилофдир.

Америка маъмуриятининг яна бир мухолифлик хуружи шундан далолат берадики, Вашингтондаги баъзи кимсалар Олий даражада Женевада ўтказилган учрашувдан кейин Совет — Америка муносабатларида, умуман халқаро вазиятда жиддий, узоқ муддатли юмшаш имкониятлари пайдо бўлганлигидан чўчимоқдалар ва қандай қилиб бўлмасин бунга йўл қўймасликка интилмоқдалар.

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретарининг расмий вакили айтдики, Х. Перес Де Куэльяр БМТ юрист консулига Американинг ҳаракати БМТ Марказий муассасаларининг жойлашуви тўғрисидаги масала хусусида БМТ билан АҚШ ўртасида тузилган битимга мувофиқ келиш-келмаслиги масалани кўриб чиқишга фармойиш берди.

Бу орада Американинг ЮПИ ахборот агентлиги гўё БМТ Бош секретари СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси штатини «камайтириш тўғрисида фармойиш берди» деган ёлғон гапни тарқатди. Бу ёлғон гапга БМТ Бош секретарининг обрў-эътиборидан душманлик мақсадида фойдаланиш ва шу тариқа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрў-эътиборига путур етказиш мақсадидаги иғвогарлик ҳуружидан бошқача баҳо бериб бўлмайди. Шу нарса мутлақо равшанки, иғвогарликдан иборат бу ёлғон гаплар тинчликнинг ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлмиш БМТ позицияларини заифлаштиришга зўр бериб уринаётган кимсаларнинг ишидир.

(ТАСС).

ОБЪЕКТИВДА— АНГОЛА

Халқ Анголаси мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда янги жамият қурилишида қатор ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сезиларли силжишларга эришилганлиги ҳамма соҳада аниқ-равшан намоён бўлмоқда. Республика маданиятини ривожлантириш йўлида кўрилган қатор тадбирлар ҳам айниқса, қувончлидир.

Ангола бундай ютуқларни қўлга киритиш йўлида кўпдан-кўп қурбонлар берди. Чунончи, Португалия мустамлакачиларига қарши курашда ҳамда революция ғалабаларини ҳимоя қилишда халқнинг асл фарзандлари чинакам мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Ангола мустақилликка эришган кунидан бошлабоқ Претория ирқчилари агрессиясининг нишонига айланди. Ирқчилар УНИТА террорчи тўдаларини ишга солиб, республиканинг қонуний ҳукуматини ағдариб ташлаш, мамлакатда ўзлари учун маъқул бўлган қўғирчоқ ҳукуматни қайтадан тиклашга жон-жаҳдлари билан уриниб кўрдилар. Мамлакат пойтахти Луанданн босиб олиш муддатларини бир неча бор эълон қилдилар. Бироқ Анголага қарши уюштирилган ҳуружлар барбод бўлди. Ёш республика ички ва ташқи душманларининг режалари тўла чиппакка чиқди.

Ҳозирги кунда ангол халқи МПЛА — Меҳнат партияси раҳбарлигида социалистик жамият асосларини қуриш йўлида қатъий ишонч билан олға бормоқда. Кейинги йилларда республикада қўлга киритилган кўпдан-кўп ютуқлар бундан тўла далолат бериб турибди.

Суратларда: 1. Ангола пойтахти Луанданнинг кўриниши. 2. Ангола болалари.

АДН—ТАСС фотолари.

ЧОРВАДОРЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

ЎТОВЛАРДА ЧИРОҚ ЎЧМАСИН

Қуёш уфққа бош қўйди. Орадан кўп ўтмай чўл осмонида юлдузлар милтирай бошлади. Ўтовга яқинлашганда аксига олиб изғирин кучайди. Чанг-тўзонда у бар ҳандан бунисига аваллаб ўтаётган сурув Изимбекка аранг кўринарди. Яхшиямки, серкалари тажрибали, уларнинг жаранглаб турадиган қўнғироқлари отарни қўрага адаштирмай олиб келди.

Чўпонни хотини Фотима кутиб олди. Биргалашиб қўйларни қўрага қамашди. Фақат ўтовга киргачгина Изимбек чироқ ёқилмаганлигини сезди. Бир чеккада фонус хира милтираб турарди. Фарзандлари Жонибек билан Мингсулув амакилари Исломбекнинг ўтовида экан.

— Жонибек чироқ пилигини кўпроқ кўтарган экан, шишаси синди, — Фотима эрининг «нега чироқ ёқмадинг» деган саволини кутмасдан гап бошлади. — Укангизникида ҳам ортиқча лампа шиша йўқ экан. Жонибек билан Мингсулув қоронғида қўрқиб ўтирмасин, деб ларникига обориб қўйдим.

Шу куни икки оила жам бўлиб, Исломбекларникида ўтиришди. Улар ҳар гал ўтов эшигининг ёпинғичи кўтарилиб, изғирин ичкарига ўзини урганида, ишқилиб синмасин деб юрак ҳовучлаб чироққа қарашарди. Исломбекнинг транзистори батареяси қуввати анча камайган экан, кечки концертни ҳам яхши эшита олишмади. Улар эртага келадиган машина билан Изимбекни ферма марказига юборишга келишишди. У чироққа шиша, керосин, транзисторларга батарея, рўзғорга зарур нарсаларни олиб келиши лозим эди. Қўйларга Исломбек қарайдиган бўлди.

Отардан ферма маркази— Тошқудуққача анча йўл. Изимбек кечга яқин бу ерга етиб келди. Афсуски, магазинда на шиша, на батарея бор экан. Қилган харидидан кўнгли тўлмай тонгда яна ўтови томонга ошиқиб жўнади.

Шунга ўхшаш воқеалар Томди районидаги Ленин номли совхоз бош чўпони, Меҳнат Шуҳрати орденининг тўла кавалери Изимбек Наврўзбоев ҳаётида эмас, балки қизилқумлик чорвадорлар оиласида тез-тез рўй бериб туради. Чунки, аксарият отарларга ҳали электр қуввати етиб келмаган. Уларнинг бир-биридан узоқлиги, чўпонларнинг кўчма ҳаёти бунга имкон бермайди. Баъзи отарлардагина кичик қувватли движоклар бор. Улардан кўпинча қудуқлардан сув тортиб, молларни суғориш учун фойдаланишади. Бу движоклардан ўтовларни ёритиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо чўпонлар унинг сув тортишдек машақатли юмушни бажаришга эҳтиётлашлари туфайли жуда аваллаб ишлатишади. Ўтовларни ёритиш илгаригидек ҳануз лампа чироқлар зиммасида.

Шаҳарда яшовчиларга бу гаплар эриш туюлиши табиий. Уларнинг турмушида лампа чироқларга эҳтиёж қолмаганига анча бўлди. Шаҳарлардаги саноат корхоналарида бундай буюмларни ишлаб чиқаришга қизиқиш камлиги ҳам шундан бўлса керак. Аммо, касбнинг хусусияти, шароит туфайли бир қарашда арзимасдек кўринган баъзи рўзғор буюмларига эҳтиёж катта бўлган жойлар ҳали бор. Қизилқумлик чўпонларнинг турмуш тарзи бунга мисолдир. Улар учун лампа чироқ, унинг шишаси, батарея, транзистор, керосин ғоят зарур. Лекин баъзан ана шу буюмларни ўз турар жойларидан тополмай посёлкама-посёлка, шаҳарма-шаҳар излаб овора бўлиб юришади. Бирор литр керосинга муҳтож бўлган дамлар кўп бўлади. Бўлмаса чўл қўйнида ёлғиз ўтов ичида болалари билан тунни зиёсиз ўтказишга, радиодан оламдаги воқеаларни, қўшиқ-куйларни тинглай олмай, диққат бўлиб ўтиришга мажбур бўлишади.

Бу муаммоларни ҳал этиш, рўзғор буюмлари таъминотини тубдан яхшилаш юзасидан чўпонлар мурожаат қилмаган мутасадди ташкилотлар қолмаган. Райондами, областдами, бирор йиғин йўқки, уларда савдо, маданий-маиший хизматни яхшилаш ҳақида гапирилмаган бўлса. Аммо ижобий ўзгариш қарийб бўлмаяпти. Муаммолар ҳамон ечилгани йўқ, таъминот масалалари яхшиланмаяпти.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Магазин сотувчилари район матлубот жамияти правлениесини, бу правление область савдо системаси раҳбарларини, улар эса ўз навбатида «Ўзбекбирлашув»даги ўртоқларни танқид қилишади. Хуллас, гап кўпу, амалий ишдан дарак йўқ.

ҚИЗИЛҚУМ ЧОРВАДОРЛАРИНИ ЛАМПА ШИША, БАТАРЕЯ, КЕРОСИН СИНГАРИ КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖ УЧУН ЗАРУР БУЮМ ВА ТОВАРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЛОЗИМ.

Ҳайриятки, чўпонлар камёб рўзғор буюмларини аваллаб асрашга уста бўлиб кетишган. Бунга уларни шароит ўргатяпти. Тасаввур этиб кўринг, ўтган йилнинг қарийб 10—11 ойи мобайнида улар бирор дона лампа чироқ ва шиша олишмади. Днепропетровскдаги «Главкоопхозторг» базаси бу молларни Навоий областига август ва сентябрь ойларигача етказиб бериши шарт эди. Аммо ноябрь ойи бошларида ҳам товарлардан дарак бўлмади. Телеграмма ва қўнғироқлар эса жавобсиз қоларди. Навоий область матлубот жамияти Украинага ўз вакилини юборгандан кейингина ишда ўзгариш юз берди. Фонд бўйича белгиланган 40 минг дона лампа шиша ўрнига 7 минг дона лампа шиша, шунингдек, 2 минг дона фонус ноябрь-январь ойларидагина етиб келди. Хўш, бу билан меҳнаткашларнинг эҳтиёжи қондирилди деб ўйлайсизми? Агар бу товарларнинг асосий қисми ўн минглаб аҳоли яшайдиган тўрт чорвадор район ўртасида тақсимланса, урвоқ ҳам бўлмаслиги кўриниб турибди.

Батареялар таъминотидаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Бу товар бўйича областимиз меҳнаткашлари эҳтиёжининг учдан бир қисмигина таъминланяпти. Айни вақтда мавжуд батареяларни тақсимлашда лоқайдлик рўй бермоқда.

Навоий область матлубот жамияти правлениеси чорвадорларни истеъмол моллари ва хўжалик товарлари билан таъминлаш бўйича белгиланган амалдаги фонд нормаларини шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқишни бир неча бор илтимос қилди. Бу ҳақда «Ўзбекбирлашув» раҳбарлари адресига хатлар, сўровлар ёзилди. Аммо 1986 йилги планлаштиришда ҳам бу талаблар инобатга олинмади. Масалан, областда қанд, қандолат маҳсулотларига бўлган талаб ўртача 27—47 процент атрофида қондирилиши мўлжалланган. Юқори сорт унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш ҳақида ҳам ғамхўрлик кўрсатиш лозим бўлади.

Шу ўринда фонд бўйича олинаётган баъзи маҳсулотларнинг сифатсиз эканлигини ҳам эслатиш жоиздир. Бу борада чорвадорларнинг Бухоро нон комбинатига эътирозлари кўп. Ўтган йили корхона Навоий области учун тайёрлаган 1 минг 72 тонна ширинликдан 839 тоннасини бракка чиқаришга тўғри келди. Комбинат ишлаб чиқараётган макаронларнинг сифати ҳам талаб даражасида эмас.

Албатта, чорвадорларга хизмат кўрсатишдаги мавжуд камчиликлар фақат юқори ташкилотлар, таъминотчилар айби билангина юз бераётгани йўқ. Бунга область ва район матлуботчиларининг совуққонлиги, ишни ташкил этишдаги уқувсизлиги, масъулиятсизликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Мисол сифатида керосинни тарқатишдаги ўзбошимчаликни олайлик. Область матлубот жамияти правлениеси ўтган йили қўшимча равишда олинган 250 тонна ёнилғининг 130 тоннасини Нурота районига жўнатгани ҳолда бунга эҳтиёж катта бўлган Томди районига бирор литр ҳам ажратилмади. Шундай аҳвол бу йил яна такрорланмоқда. Январь ойида Нурота районига пландагидан 16 тонна кўп керосин жўнатилди. Айни пайтда Учқудуқ, Конимех, Томди районларида керосин етишмаяпти.

Район савдо ташкилотларининг иш юритиши ҳам бугунги кун талабларига тўла жавоб бермайди. Улар отарларнинг ўзига бориб хизмат кўрсатиш лозимлигини кўпинча унутиб қўйишмоқда. Томди районидаги «Прогресс», Ленин номли, Конимех районидаги «Партия XXII съезди», «Октябрь 40 йиллиги» совхозлари, Учқудуқ районининг қарийб барча хўжаликларининг чўпонлари шу пайтгача савдо ходимларининг қорасини кўрганлари йўқ. Айрим магазинларда харидоргир товарларни яшириб сотиш, унинг учун устама ҳақ олиш фактларига ҳамон барҳам берилмаётир.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида савдо ишларини тубдан яхшилаш, планлаштиришдаги камчиликларни бартараф этиш вазифаси кун тартибига кескин қилиб қўйилди. Навоий области чорвадорлари ҳаётига назар ташлар экансиз, бу соҳада камчиликлар кўп эканлиги, сўз билан иш бирлиги таъминланмаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Оқибатда худди мазкур чўпон Изимбек Наврўзбоев ҳаётидаги каби қизилқумлик қўллаб чўпонлар оиласида тез-тез чироқлар ўчиб турибди, радиолар айтмай қоляпти. Табиийки, бу уларнинг кайфиятига, ишлаб чиқаришдаги активликларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

«Ўзбекбирлашув» раҳбарлари, Навоий область ва Томди район матлубот жамиятлари правлениелари чорвадорларга кўрсатилаётган савдо хизмати савияси ва маданиятини кескин ошириш-лари, уларни кундалик эҳтиёж учун зарур товарлар билан таъминлашдаги узилиш ва лоқайдликларга барҳам беришлари, бу борада мавжуд имконият ва резервлардан оқилона фойдаланишлари керак.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

МУДИРНИНГ ҲАСРАТИ

— Бу ҳам маҳаллий, ҳам зотли сигирларнинг «исёнини», билмадим, лекин ҳар қалай, уларнинг ҳар бири бир кунда уч килограммдан ортиқ сут бераётгани йўқ, — дейди Қўшқўпир районидаги «Москва» колхози сутговар фермасининг мудири Б. Ёқубов ҳасратидан чанг чиқиб.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки пода рационида на беда, на сенаж, на витамин талқони бор. Ноўрин асраш оқибатида чириб кетган силос билан сомонни бир амаллаб молларга етказиб бериб туришибди. Аҳвол шундай экан, кўп сут соғиб олиш ҳақидаги гап хом хаёл. Ишқилиб сигирларнинг ўзи омон қолса бўлгани...

Қишлов ем-хашак ишлаб чиқаришдаги қўпол хатоликларни рўй-рост кўрсатди. Хўжаликдаги суғориладиган ерлардан ёмон фойдаланилмоқда, экинзорлар йилига неча-неча ой бўш туриб қолянти. Масалан, августда жўхори йиғиштириб олинди. Ишнинг кўзини билган хўжалик ходими фурсатни ўтказмасдан бўш қолган ерга рапс ва тритикале, кузги қора буғдой ёки беда экган бўларди. Бу хўжаликдагилар эса «нафсни ростлаб» олишмоқчи бўлди. Озуқабоп лавлагини эса агротехниканинг ҳамма қоидаларини бузиб, фаросатсизлик билан ташландиқ ерларга экишди. Экинлар қониб сув ичмади, ўғит етишмади. Оқибатда, ҳосил паст бўлди.

Зотли сигирлар ҳақида алоҳида гапириш керак. Подадаги 225 та сигирнинг 130 боши зотдор моллардир. Лекин ферма мудири айтганидек, уларнинг маҳаллий қорамолдан фарқи деярли йўқ, зотдор бузоқлар ёмон боқилаётгани оқибатида секин ўсмоқда, олти ойлик бузоқнинг вазни 90 килограммдан ошаётгани йўқ, нормага кўра эса 150 килограмм бўлиши керак эди. Шундай экан, сут ҳам боқувга яраша бўлади-да.

Колхоз раҳбарлари фермадаги ишлардан хабар олишмайди, дейишга тилимиз бормаяпти. Бу ерда ҳатто доимий вакил — партия комитетнинг секретари С. Шомуродов «бош-қош» бўлиб юрибди. Лекин унинг кўрсатмалари-ю, ваъдалари билан иш яхшиланаётгани йўқ.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам аҳвол дуруст эмас. Район бўйича бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори ўртача 4,3 килограммдан. КПССнинг XXVII съездида, раҳбарларнинг топширилган иш участкаси учун конкрет жавобгарлигини ошириш зарурлиги ҳақида гапирилди. Қўшқўпир агросаноат бирлашмасининг Озиқ-овқат программасини ҳал этишдаги фаолиятига ҳам худди ана шундай позициядан туриб баҳо бериш тўғри бўлади.

Ю. ИБРАГИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.
Хоразм области.

«НОВОСТИ» МАТБУОТ АГЕНТЛИГИ ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА

10 март куни «Новости» матбуот агентлиги таъсис этувчилари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Таъсис этувчилар кенгаши П. А. Наумов пенсияга чиқиши муносабати билан уни АПН Правлениеси раиси вазифасидан озод қилди.

В. М. Фалин «Новости» матбуот агентлиги Правлениесининг раиси қилиб сайланди.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСи» ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича ўқиш учун

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сувоқчи-бўёқчи, машғулотлар 17 мартдан бошланади;

ПЛИТАЧИ-КОШИНКОР, машғулотлар 1 апрелдан бошланади.

Ўқиш муддати — 3 ой.

Ўқиш даврида ойига 75 сўм стипендия тўланади. Ўқиш тугагач, битирувчилар бошқарма участкаларига ишга жойлашадилар. Иш даврида ёлғиз кишилар ётоқхона билан, оилалилар эса навбат орқали квартиралар билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39«а» уй. Телефон 67-55-95, ёки Нуробод шаҳри, «Янги Ангрен ГРЭСи».

●

«ГОСКОМГИДРОМЕТ»нинг

ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

сув юзасининг ифлосланишини ўрганиш лабораторияси катта илмий ходими (фан кандидати) **вакант вазифасига**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб икки ҳафта.

Мурожаат учун адрес: 700052, Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефон 35-80-59.

СССР Меҳнат давлат комитети

МЕҲНАТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ

бўлимлар ва секторлар бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: меҳнатни бошқариш, агросаноат комплексининг меҳнат проблемалари, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш: меҳнат коллективларининг таркиб топиши ва ривожланишининг социал-иқтисодий самарадорлиги (фан кандидатлари);

катта илмий ходимлар: меҳнат резервлари ва улардан фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, агросаноат комплексининг меҳнат ресурслари (фан кандидатлари), меҳнатни бошқариш (3), меҳнат коллективларининг таркиб топиши ва ривожланишининг социал-иқтисодий самарадорлиги (2), меҳнат резервлари ва улардан фойдаланиш (2), кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, агросаноат комплексининг меҳнат проблемалари;

кичик илмий ходимлар: меҳнатни бошқариш, меҳнат коллективларининг вужудга келиши ва ривожланишининг социал-иқтисодий самарадорлиги, меҳнат резервлари ва улардан фойдаланиш, агросаноат комплексининг меҳнат проблемалари.

Конкурс муддати — 25 мартгача.

Бизнинг адрес: 700195, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1940 йилдан КПСС аъзоси

Абдулла ЛУТФУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1927 йилдан КПСС аъзоси

Машраб Исмоилович НАЗАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Медицина» нашриёти коллективи нашриёт бош редактори А. Шомаҳмудовга онаси

Лутпи ШОМАҲМУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда тарих факультети коллективи янги ва энг янги тарих кафедрасининг консультанти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор З. Р. Нуриддиновга онаси

Бахринисо РАСУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тингланг, томоша қилинг

12 МАРТ, ЧОРШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.45 — Мультфильмлар. 10.15 — «Саёҳатчилар клуби». 11.15 — «ГАИ инспектори». Бадиий фильм. 12.30 — Концерт. 13.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 16.40 — Қадрдон ўлка оҳанглари. 16.55 — «Ерда, самода ва денгизда». 17.25 — Опера саҳнаси усталарининг концерти. 18.00 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.45 — «Фан ва турмуш». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Сўзни амалда иш билан оқла». 20.10 — «Софья Ковалевская». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Останкино концерт студиясида учрашув. 23.35 — «Дунё воқеалари». 23.50 — СССР халқлари VI қишки спартакиадасининг ёпилиши.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Немис тили. 11.05 — Астрономия. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 «Оддий — мураккаб ҳақиқатлар». 13.40 — Эстетик тарбия. 14.25 — «Дарсдан сўнг». 15.10 — Драматургия ва театр. 16.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — «Музикали киоск». 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — «Здоровье». 21.30 — «Время». 22.05 — «Яширин овоз бериш». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 7.30— Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — Тонгги тароналар». 8.10 — Студент ёшлар учун. 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.55 — «Пионер телетайпи». 19.05 — «Инсон ва қонун» программаси почтасидан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга! 20.30 «Ахборот». 20.50 — «Ялла ва рақслар». 21.30 — «Время» 22.05 — «26-си отилмасин» Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.10 — Москва-II. 17.00 — Телефильм. 17.50 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.45 — «Ер ва эл. 19.25 — Ўзбек совет адабиёти. 19.55—Ритмик гимнастика. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — «Дала, ҳовли юмушлари». 21.30 — Москва II.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 «Бизга мактуб йўллабсиз». 9.30 — «Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 10.15 — Чолғу куйлари. 10.40 —«Қармоқ». 11.15 —«Юность». 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар. 17.00 — Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.15 — Концерт. 18.30 — «Ўзбекистон бинокори». 19.25 — К. Қаюмов куйлайди. 19.40 — «Миллионлар ленинча университети». 21.00 — «Шеърият кечаси». 21.20 — «Қишлоқ оқшомлари». 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.30 — «Дам олиш соатида».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси ва телефонлар: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.